БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 61 (4567). | 27 март, 1971 йил, | ШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

МОСКВАГА—КПСС XXIV СЪЕЗДИГА



Кеча, Тошкентнинг янги, ҳашаматли темир йўл вокзалидан жонажон пойтахтимиз Москвага, КПСС XXIV съездига ўзбекистонлик делегатлар жўнаб кетдилар. Съезд делегатларини пойтахт жамоатчилиги зўр хурсандчилик билан кузатиб, оқ йўл тилаб қолди. Суратда: (чапдан) съезд делегатларидан бир группаси: Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Б. Жўраева, Чирчиқ химия комбинатининг аппаратчиси Й. М. Гузенко, Ангрен шаҳридаги 9ц шахтанинг ишчиси Р. Тўхтахўжаев, Чорвоқ ГЭС қурилиши материаллари заводининг бригада бошлиғи, моторист М. Халилов, Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси М. Исҳоқова, Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг ишчиси О. Мирзаахмедова, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг звено бошлиғи А. Сулаймонов, олмалиқлик экскаваторчи Э. Пўлатов ўртоқлар. Н. ТЎРАЕВ фотоси.

БЎСТОНЛИҚ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Бўстонлиқ райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашиб, ажойиб муваффақиятни қўлга киритдилар. Район чорвадорлари давлатга гўшт, сут ва тухум сотиш квартал планини муддатидан илгари оширib бажардилар.

Шу йилнинг 23 мартигача район хўжаликлари ва аҳолидан давлатга пландаги 3990 центнер ўрнига 3992 центнер гўшт, 8220 центнер ўрнига 8225 центнер сут, 275 минг ўрнига 348 минг дона тухум етказиб берилди.

Чорвачилик маҳсулотлари планининг муддатидан илгари бажарилишига гўшт планини 100,5 процент, сут планини 115 процент ва тухум топшириш планини 124 процент бажарган «Ленинград» колхози, гўшт сотиш планини 129 процент, сут планини 113 процент бажарган Карл Маркс номли колхоз, гўшт сотиш планини 108 процент, сут планини 105 процент, тухум топшириш планини 200 процент бажарган Калинин номли колхоз ва гўшт сотиш планини 108 процент бажарган 14-боғдорчилик совхози чорвадорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Район чорвадорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга ой охиригача яна 60 центнер гўшт, 900 центнер сут ва 50 минг дона тухум сотиш мажбуриятини олдилар.

Район хўжаликлари КПСС XXIV съездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш янги беш йиллик план Директивалари лойиҳасига жавобан қўзғалатиш кампаниясига яхши тайёргарлик кўрдилар ва уни намунали ўтказмоқдалар. Чунончи, район деҳқонлари эртаги сабзавотлар экиш планини муддатидан илгари тугалладилар.

САНОАТЧИЛАР ЗАФАРИ

Чилонзор район саноат корхоналарининг коллективлари Ленинча меҳнат вахтасини давом эттириб ва ташаббускор коллективларнинг ватанпарварлик ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватлаб, КПСС XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада қувонарли ютуқларга эришмоқдалар. Район саноатчилари 25 мартда саноат маҳсулотларини реализация қилиш ва энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал планини муддатидан илгари адо этдилар. Ой охиригача яна пландан ташқари 900 минг сўмликдан ортиқ саноат маҳсулотлари реализация қилинади.

Райондаги қурилиш-монтаж ташкилотлари ҳам съездга муносиб меҳнат совғалари билан келмоқдалар. Улар 23 мартда 1971 йил биринчи квартали учун мўлжалланган қурилиш-монтаж ишлари планини барвақт адо этдилар. Пландан ташқари 2 миллион 634 минг сўм ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ой охиригача планга қўшимча яна 10 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой майдони аҳолига топшириқ қилинади.

Район қурувчилари съезд очиладиган кунда В—22 кварталидаги жамоат марказини, 420 ўринли иккита болалар боғчаси, онкология диспансери, кенг профилдаги касалхонанинг иккита болалар корпуси ва бошқаларни фойдаланишга топширадилар. Бу уларнинг КПСС XXIV съездига муносиб совғаси бўлади.

ҒАЛАБА РАПОРТИ

«Ўзсантехгазмонтаж» трести коллективи КПСС XXIV съезди, шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Коллектив 25 мартда шу йилнинг биринчи квартали планини муддатидан илгари адо этди. Ўтган вақт мобайнида 4459 минг сўм ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Квартал охиригача эса, белгиланган пландан ташқари яна 288 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Трест коллективи меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни— 1-Май байрамини муносиб кутиб олиш учун меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Улар социалистик мусобақани янада авж олдириб, апрель ойи планини 29 апрелда, шу йилнинг тўрт ойи планини эса 27 апрелда бажариш учун курашмоқдалар.

ЧОРВАЧИЛИК ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 26 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — беда, учинчи стун — экилган маккажўхори

Юқори Чирчиқ	106,7	28,2
Оққўрғон	104,4	77,3
Калинин	95,9	28,0
Бўка	91,9	31,5
Бекобод	85,8	21,7
Янгийўл	78,9	41,0
Пискент	69,7	24,5
Ўрта Чирчиқ	66,3	20,7
Оржоникидзе	55,4	12,1
Бўстонлиқ	44,2	2,4
Область бўйича	82,3	34,8

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

А. А. ДЕВЯТОВА ТАШАББУСИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙСИН

ТОШКЕНТ САМОЛЁТСОЗЛИК ЗАВОДИ ФРЕЗЕРЧИСИ ЎРТОҚ А. А. ДЕВЯТОВАНИНГ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ 1971 ИИЛ 23 МАРТ СОНИДА БОСИЛГАН «БЕШ ИИЛЛИК—ТЎРТ ИИЛДА» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети бюроси меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича тўққизинчи беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажариш юзасидан зиммасига социалистик мажбурият олган Тошкент самолётсозлик заводи фрезерчиси, СССР Олий Советининг депутати ўртоқ А. А. Девятованинг ватанпарварлик ташаббуси катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, уни маъқуллади.

Область партия комитети бюроси шаҳар ва район партия комитетлари, корхоналар, қурилишлар, транспорт, алоқа, колхоз ва совхозлар бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ўртоқ А. А. Девятованинг мақоласини муҳокама қилишни уюштириш, унинг қимматли ташаббусини ўз коллективларида қўллаб-қувватлаш ва кенг оммалаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича беш йиллик план топшириқларини тўрт йилда бажариш имконини берувчи ташкилий-техникавий тадбирлар планларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини юклади.

Область, шаҳар, район ва кўп нусхали газеталар редакцияларига бу қимматли ташаббуснинг жойларда оммалаштирилаётганлиги, меҳнаткашларнинг беш йиллик планни тўрт йилда бажариш юзасидан бораётган социалистик мусобақаси ҳақида мунтазам равишда материаллар бериб бориш тавсия этилди.

А. ДЕВЯТОВА ТАШАББУСИ ИЗИДАН

БЕКОБОД. (Ўз мухбиримиздан телефон орқали олинди) Тошкентдаги Чкалов номли самолётсозлик заводи фрезерчиси, СССР Олий Совети депутати Альбина Александровна Девятованинг меҳнат унумдорлигини ошириш беш йиллик планини тўрт йилда бажариш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббуси областимиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари томонидан қизғин кутиб олинмоқда. Ишчилар, бригадалар, коллективлар меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан юксалтириш юзасидан янги марраларни белгиламоқдалар, зиммаларига оширилган мажбурият олишяпти.

Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Альбина Александровна бошлаган ташаббусни тула маъқулламоқдалар. Мартен цехининг донгдор пўлат эритувчиси Аҳтам Жалилов корхонада биринчилар қатори ташаббускор ишчилар изидан боришга аҳд қилди. У меҳнат унумдорлигини ошириш беш йиллик планини муддатидан илгари, бажариш, пўлатни тезкорлик билан эритишга ваъда берди. Моҳир металлург шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам самарали ишламоқда. У раҳбарлик қилаётган бригада КПСС XXIV съезди шарафига давом этаётган социалистик мусобақада пешқадамлик қиляпти. Топшириқни доим ортиғи билан адо этмоқда.

ШАҲАР ВА РАЙОН ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА.

ПАРТИЯ РЕЖАСИ—ХАЛҚ РЕЖАСИ

Областимиз шаҳар ва районларида Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди ва Тошкент области XVI партия конференцияси якунларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Оққўрғон район партия ташкилоти активи йиғилишида райкомнинг биринчи секретари С. М. Тоиров, Бекобод район партия ташкилоти активи йиғилишида район қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи М. М. Чолаков ва Янгийўл район партия ташкилоти активининг йиғилишида райкомнинг биринчи секретари А. П. Алимов ўртоқлар «Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди ва Тошкент область XVI партия конференцияси якунлари ҳамда район партия ташкилотлари олдида турган вазифалар» ҳақида докладлар қилдилар.

Актив йиғилишларида Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди ва область XVI партия конференцияси якунлари яқдиллик билан маъқулланди ҳамда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

БИР ГЕКТАР ЕРДАН ЎРТ ЦЕНТНЕРДАН БЕДА УРУҒИ

Мен аввал бошда айтиб қўяқолай, ем-ҳашак тайёрлаш бригадаси ҳар бир хўжаликда катта аҳамиятга эга. Чорвачиликнинг ривожланиши аввало шу бригаданинг фаолиятига боғлиқ. Паҳтачиликни ривожлантиришда ҳам бу бригадаларнинг роли каттадир. «Алмашлаб экиш мўл ҳосил гарови» деган сўзни ким билмайди. Иккинчи сўз билан айтганда беда-пахтанинг энг яқин йўлдоши. КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасида беда билан пахтани алмашлаб экишнинг аҳамияти нақадар катта эканлиги алоҳида қайд этилган. Шунинг учун ҳам биз ўз касбимиз билан фахрланамиз. Биз хўжалигимиз учун фойдали иш қилаётганимизни ҳамиша ҳис қилган ҳолда ғайрат билан меҳнат қиламиз.

Совхозимизда 800 бошдан ошиқ қорамол бор. Шундан 330 боши сигир. Шунингдек, хўжалигимизда 800 бош нўҳа боқиляпти. Буидан ташқари совхоз ишчилари, мутахассисларининг сигир-бузоқлари, қўй-эчкилари бор. Улар ҳам ем-ҳашак билан таъминланиши керак. Совхозимизда ишчи, хизматчиларнинг молларини ҳам ҳашак билан таъминлашга кейинги вақтда алоҳида аҳамият берила бошланди. Бултур ишчиларга 25 тонна ҳашак тақсимлаб берилган бўлса, бу йил 50 тонна қуруқ ҳашак бериш мўлжалланмоқда.

Совхоз чорва моллари етарли миқдорда ем-ҳашак билан таъминлангани учун бу йил биринчи кварталда 110 ўринга 24 мартгача 119 тонна сут топширилди. Давлатга 50 тонна гўшт сотилиб ярим йиллик план бажарилди. Бу хўжалигимизда ем-ҳашак мўл-кўллигидандир. Ҳатто бултур қўшни хўжаликларга 50 тонна беда сотилди. Кўпроқ ем-ҳашак етказиш эса қалинлашиб кетган бедани сийраклаштиришдан иборат. Чунки беда қалин бўлса, у яхши уруғламайди. Бундан ташқари ерни ҳайдаб уни юмшатилди. Ер юмшоқ бўлса ўсимлик озуқадан яхши фойдаланади. Кузда ҳайдалган ерга эрта баҳорда суперфосфат, гексахлоран каби минерал ўғитлар солинди. Шу билан бир вақтда турли касалликларга ҳашаротларга қарши ерга дуст сочилди. Сўнгра ҳамма майдон сифатли борона қилинди. Бу ерга қайта уруғ сепилмайди. Уруғ бераётган беда эски беданинг илдизларидан унниб чиқаверади. Шу бўйича бу бедазорга сира сув қўйилмайди. Чунки сув қўйилса беда яна қалинлашиб кетиши мумкин.

Мана шундай усул билан биз ҳар гектар ердан 4 центнердан беда уруғи олишга эришдик. Худди шундай усулда иш олиб борган 4-бўлимдаги Насиб Дурсунов бошлиқ ҳашакчилик бригадаси аъзолари ҳам ҳар гектар ердан 3,7 центнердан беда уруғи олишга муваффақ бўлдилар.

Лекин ҳамма бўлимларда ҳам шундай иш олиб борилди, деб бўлмайди. 2-бўлимда уч йиллик эмас, ундан эски бедапоя уруғликка ажратилгани, парвариш меёрига етказилмагани ва яхши ўғитланмагани учун ҳар гектар ердан олинган беда уруғи 0,6 центнердан ошмади. Буни кўрсатишдан мақсад, уларни танқид қилиш эмас, балки беда уруғи учун ажратилган ердаги беданинг сифатига, тозалигига, ёшига эътибор бериш лозим демоқчиман. Мана бизнинг олиб борган иш тажрибамизнинг қисқача мазмуни шундан иборат.

Раҳимжон ХОЛМАТОВ,
Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхозининг 3-бўлим ем-ҳашак тайёрлаш бригадасининг бошлиғи.

ЧИГИТ ЭКИШНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Тўққизинчи беш йиллик биринчи йилининг баҳори бошланди. Деҳқон куздаги мўл ҳосилга шу кунларда замин яратади. Ернинг сифатли тайёрланганлиги, экишни ўз вақтида соз ўтказилганлиги, тўла гектар учун курашилиши, буларнинг ҳаммаси ҳосилнинг мўл бўлишига асос солади. Деҳқон баҳорнинг келишига қараб қандай тадбир белгилашни, уни қандай ўтказишни режалаб олади. Биз тажрибада шуни кўрганмизки, кўклам ҳар йили ҳам бир хил келмайди. Баъзи йиллари баҳорда ҳаво серёғин бўлади. Айрим йилларда эса бу фасл қуруқ келиб, бошқача ишлашни тақозо қилиб қолади. Бу йилги кўклам ҳам худди шундай келяпти. Мартнинг дастлабки кунларида ёққан ёғиндан бери ҳаводан нам келмаяпти. Бир-икки марта шивалаб ўтган ёмғир тупроқни унча намламади. Демак, баҳорги экиш ишларини ўтказишда деҳқонлар тадбиркорлик билан ишламасадар, дала ишларининг чўзилиб кетиши мумкин. Бу йилги кўклам ер тайёрлашда икки хил тадбир қўришни талаб қилади. Хўжалик раҳбари ўз колхози ва совхозининг ер тузилиши жиҳатидан қандай шароитдалигини яхши билади. Ер ости сувлари чуқур турган ва саёз жойлашган далаларда бир хил иш қилиб юраверилмайди, албатта. Масалан, Оққўрғон районининг Қуйи Чирчиқ зонасидаги, Ўрта Чирчиқ районининг Чирчиқ ва Қорасув бўйларидаги, Янгийўлнинг қуйи зонасидаги ерлар билан ана шу юқорида номи айтилган районларнинг ер ости суви чуқур турган участкаларидаги табиий шароит ҳисобга олиниб, иш юритилгандагина кўзланган мақсадга эришилади.

Ёғингарчилик кам бўлиб, ернинг нами етарли эмас экан, хўш, ана шундай шароитда нима қилиш керак? Бизнингча, чигит экишни ҳамма жойда бошлаб юбориш пайти келди. Баъзи олимлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари шундай шароитда ерларни экишдан олдин сугориш мақсадга мувофиқ, дейдилар. Бошқалар эса, олдин чигитни экиб бўлиб, кейин эгатлар орқали чигит суви бериш афзал, деган фикрни олдинга сурадилар. Албатта, бу фикрлар қайси жойда қандай фойда беради, аввало, ўша жойнинг табиий шароитига боғлиқ. Лекин шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ерлар чигит экишдан олдин суғориладиган бўлса, уларнинг етилиши чўзилиб, чигит экиш муддатлари ўтиб кетади. Бизнинг Тошкент область шароитида чигитни апрель ойининг биринчи ярмида экиб олинган тақдирдагина унинг унниши ва кўчат қалинлиги яхши бўлади. Шунинг учун агар талаб қилса, ерларни чигит экиб бўлинганидан кейин оз миқдорда, яъни гектарига 800—1200 кубометр миқдорида сув бериш мақсадга мувофиқдир. Албатта, чигит суви беришда ернинг ҳаддан ташқари захлаб кетишига йўл қўймаслик зарур. Акс ҳолда марказлаштирилган ҳолда дориланган чигит қобиғидаги яхши унниш ва касаллик ҳамда ҳашаротларга чидамлилик хоссаси ювилиб кетиши ва экиш даврида солинган гербицидларнинг фойдали қуввати кетиб қолиши мумкин.

Кўпгина хўжаликлар тупроқда намни тўла сақлаш мақсадида эрта кўкламда ерларни бороналаб жуда тўғри иш қилганлар. Ўша кунларда бороналанган ернинг нами борона қилинмаган ерларнинг намига қарағанда кўп. Бундай жойларда чигит экишни кун сайин кучайтириш зарур.

Юза қатлами қуриб қолган майдонларда ерни бороналаш ҳавол жойларни камайтириш ва тупроқнинг донадорлик ҳолатини бузишга олиб келади. Шунинг учун нами қочган далаларда бороналашни ўтказмаслик керак. Илғор фан ютуқлари ва ишлаб чиқаришдаги тажриба шудгорни бороналаш тупроқнинг хусусиятига қараб ўтказилишини тақозо қилади. Бу тадбир биринчи навбатда енгил тупроқ ерларда, баланд участкаларда, қия жойларда, бузилган бедапояларда ўтказилиши лозим. Далаларда ерларни бороналашни кўндаланг бурчак қилиб ўтказиш анча фойдали. Шундай қилинганда тупроқ яхши текисланади.

Экишга тайёргарлик кўриш ва бу ишни қулай агротехника муддатларида ўтказиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир. Маълумки, областимиздаги колхоз ва совхозларда ҳар хил навдаги чигитлар экилади. Чигитнинг навига қараб унинг экилиш агротехникаси ҳам ўзига хос. Шунинг учун ерларни тайёрлаш, чигит экишни ўтказиш даврида талаб қилинган агротехника тадбирлари кўнгилдагидек амалга оширилиши зарур.

Бу йил ҳам кўпгина колхоз ва совхозлар 108—Ф, С—4727 навдаги пахта чигитларини экади. Деҳқонларимизга бу навларнинг хусусияти яхши таниш. Юқори Чирчиқ райони хўжаликларидан бошқа ҳамма хўжаликларда «Ташкент-1», «Ташкент-2» ва «Ташкент-3» нав чигит экиш кенг амалга оширилади. Ўтган йили Янгийўлдаги «Коммунизм», «Ленинизм», Фрунзе номли хўжаликларда ана шу нав пахта чигити экилиб, мўл ҳосил етиштирилди. Оққўрғон ва Бекобод районларидаги айрим колхоз ва совхозларда 159—Ф нав чигити экиш ҳам планлаштирилган. Ҳозирги пайтда пахтакорларга Тошкент навидаги пахта чигитини экиш кўпроқ маъқул бўлиб турибди. Чунки бу нав ғўзаси вилт касалига чидамли ва серҳосил. Лекин унинг чигитини экишда уруғликни сарфлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Утган йили шу нав пахтани етиштирган хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, Тошкент навлари то шоналагунча анча секин ўсади, шоналаб олгач, унинг ривожи тезлашади, меваларини тўкиб юбормайди. Тошкент навидаги уруғлик чигитининг унувчанлиги 85 процентдан кам бўлмаслиги, туксизлантирилмаган чигитлар эса 0,8 процентдан ошмаслиги керак. Бу нав пахтанинг гоммоз касаллигига тезроқ чалинишини эътиборга олганда бу пахта чигитини экишдан олдин ТХФМ препарати билан қуруқ усулда дориланади. Бир тонна уруғлик чигитга 7 килограмм дори сарфланади. Колхоз ва совхозлар уруғлик чигитни марказий усулда дориланган ҳолда олмоқдалар. Чигитни экишдан олдин яратилган бундай қулайлик албатта хурсанд бўларлидир. Лекин дориланган чигитларни экишдан олдин ивитиш ва қўшимча ишларни амалга оширишда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари алоҳида эътибор қилишлари керак. Экиладиган уруғлик чигит махсус тайёрланган майдончаларда шамоллатилгани маъқул. Бунда экиладиган уруғ 10 сантиметр қалинликда ёйилиб, тўрт-беш кун қиздирилади. Бунда кундуз куни тахтадан қилинган куракларда чигитларни бир неча маротаба аралаштириб туриш лозим. Бу билан чигитларнинг ҳаммасини бир текисда бўлишлиги таъминланади. Кечқурун майдончадаги чигитлар ўртага тўпланиб устидан брезент ёпиб қўйиш керак. Тошкент-1, 2, 3 навларининг чигит қобиғи анча қаттиқдир. Шунинг учун ҳам бу навларнинг уруғ мағзига нам анча кечроқ таъсир этади. Бу эса уларнинг кечроқ униб чиқишига сабаб бўлади.

Тошкент навидаги чигитларни ивитиш муддати уларни экиш муддатларига қараб белгиланади. Чигит барвақт экиладиган бўлса, 36 соат, муддат чўзиладиган бўлса, 48 соат давомида ивитилади. Колхоз ва совхозларда чигит уюм-уюм қилиб ивитилганда уни асфальтланган ёки бризент майдонларга тўкилади ва ҳар 3—4 соатда сув сепиб турилади. Бир тонна қуруқ чигитга 650—800 литр сув учга бўлиб сепилади. Чигитларни бир текисда намлашга алоҳида эътибор бериш керак. Уруғлик чигитга ҳар гал сув сепилгандан кейин у ҳўл шолча ва брезент билан ўраб қўйилади.

Еш ғўза ниҳолларининг илдиз чириш касалига учрамаслиги учун чигит экиш олдидан ТМТД препарати билан дориланади. Бунда унинг ҳар тоннасига 12 килограммдан дори сарфланади. Чигит экиш муддатлари юқорида айтганимиздек, ҳар бир хўжаликнинг ўз шароитига қараб белгиланади ва шу муддатларда ўтказилади. Бунда тупроқнинг механик таркиби айниқса ҳисобга олиниши зарур.

Ер ҳамма жойда етилиб, экиш ишларини кучайтириб юбориш учун шароит пайдо бўлди. Ҳозирги пайтдаги энг муҳим вазифалардан бири шуки, ерларни текислашни тез фурсатда ва сифатли ўтказиш зарур. Майдонлар экишга тайёрланаётганда карта четларининг қолиб кетмаслиги тўла гектар учун курашда алоҳида аҳамиятга эга.

Кўклам бирмунча қуруқ келган бу йилги шароитда ишни пухта ташкил этишимиз, экишни сифатли ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни ўз вақтида амалга оширишимиз зарур.

Партиямизнинг XXIV съезди ўз ишини бошлашга икки-уч кун қолди. Тошкент область пахтакорлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни —она-Ватанга 400 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш тўғрисидаги сўзларининг устидан чиқиш учун, айниқса, экишни юқори сифатли ўтказилишига эътибор берадилар. Қулай фурсатдан тўла ва унумли фойдаланадилар. Барча экиш агрегатлари ва ишчи кучларининг юқори унум билан ишлашини таъминлайдилар. Жонажон партиямиз съезди давоми этаётган кунларда айниқса ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қиладилар.

М. ИСМАТОВ,
Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

Ғ. ИБРОҲИМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДА МУҲИМ БОСҚИЧ

КПСС XXIII СЪЕЗДИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА

Бундан беш йил муқаддам — 1966 йил 29 мартда очилиб, ўз ишини 8 апрелгача давом эттирган партия XXIII съезди Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлати тарихида, халқаро коммунистик ҳаракатда янги босқични бошлаб берган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди.

КПСС бу тарихий съездга партия ҳаётининг ленинча принципларини мустаҳкам қарор топтириш асосида ўз сафларининг монолит бирлигини янада мустаҳкамлаш, совет жамиятининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ўзининг раҳбарлик ҳамда йўлбошчилик таъсирини тағин ҳам оширган ҳолда келди.

Съездда 12 миллиондан ортиқ Совет коммунистлари номидан 4942 делегат ҳозир бўлди.

КПСС XXIII съезди халқаро революцион ҳаракатда Коммунистик партиямиз қозонган юксак сиёсий ва маънавий обрў-эътиборни, марксизм-ленинизм ғояларининг ҳаётбахш кучини, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, жаҳон коммунистлари ва барча антиимпериалистик кучлар билан интернационал бирдамликни бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатди. Совет коммунистларининг бу тарихий форумига жаҳондаги 86 мамлакатнинг марксчи-ленинчи партиялари, шунингдек, миллий-демократик ва социалистик партиялар ўз делегацияларини юборишди. Съезд мажлислари давомида 67 партиянинг вакиллари сўзга чиқишди, яна 21 партиянинг съезд номига юборган табрикномалари матбуотда эълон қилинди.

Съезд КПСС Марказий Комитети ва Марказий ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилди, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик планини юзасидан Директиваларни тасдиқлади, КПСС Уставига баъзи бир ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор ва АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан Баёнот қабул қилди, партиянинг марказий органларини сайлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладида СССРнинг халқаро аҳволи ва Коммунистик партиянинг ташқи сиёсий фаолияти батафсил баён этилди. Съезд Совет Иттифоқининг ва бутун жаҳон социалистик системасининг халқаро таъсири тўхтовсиз ўсиб бораётганлигини, мустамлакачилик асоратига қарши ўз мустақиллиги ва тараққиёти учун курашаётган мамлакатлар ва халқлар янги ғалабаларга эришганликларини, капитал мамлакатларида ишчилар синфининг кураши активлашганини, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати янада ривожланганини далиллар билан кўрсатиб берди.

Съезд партия ва давлатимизнинг халқаро вазиятни соғломлаштириш, тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсат йўлини белгилаб берди.

Совет Иттифоқининг ички ривожланиши нуқтаи назаридан съезд қараб чиққан ҳисобот даври халқимиз ўз фидокорона меҳнати билан Коммунистик партия раҳбарлигида етти йиллик планни бажаришни тугаллаган давр бўлди. Халқ хўжалигини, фан, техника ва маданиятни ривожлантиришдаги янги муваффақиятлар туфайли мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қудрати янада ўсди, халқ фаровонлиги ошиб борди. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида социалистик демократиянинг мустаҳкамланиш ва кенгайиш процесси давом этди. Социалистик тузумнинг сиёсий негизлари — ишчи ва деҳқонлар иттифоқи, халқлар дўстлиги, барча меҳнаткашларнинг ғоявий-сиёсий бирлиги, уларнинг Коммунистик партия теварагида жипслашганлиги янада кучроқ мустаҳкамланди.

Съезд социалистик экономикани ривожлантиришдаги катта ютуқлар билан бир қаторда етти йиллик планнинг баъзи кўрсаткичлари бажарилмай қолганлигини қайд қилди. Халқ хўжалигини бошқаришдаги камчиликлар, раҳбарликнинг иқтисодий методларига, хўжалик ҳисобига кам аҳамият берилганлиги, моддий ва маънавий стимуллардан тўлиқ фойдаланилмаганлиги, планлаштиришдаги баъзи нуқсонлар, бир қанча иқтисодий проблемаларни ҳал қилишда субъектив йўл тутилганлиги иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатди.

В. И. Ленин таълимотига содиқ партиямиз ҳаёт синоқидан ўтолмаган, олға ҳаракатга ҳалақит берувчи ҳамма нарсани бартараф қила борди. КПСС Марказий Комитети хўжаликни юритишнинг ленинча принципларига, мамлакатда ишлаб чиқариш кучлари ва ҳозирги замон илмий-техника прогресси талабларига мувофиқ равишда халқ хўжалигини бошқаришнинг форма ва методларини такомиллаштириш ишларини авж олдириб риб юборди. Съезд социалистик экономикани ривожлантиришдаги камчиликлар сабабини очиб ташлаган ва халқ хўжалигига раҳбарлик қилишга янгича ёндошиш чораларини ишлаб чиққан КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь (1965) Пленумлари қарорларини тўла маъқуллади.

Марказий Комитет партиянинг хоҳиш-иродасини ифодалаб, партия ҳаётининг ленинча нормаларига ва коллектив раҳбарлик принципларига қаттиқ риоя қилиш йўлини қатъий ўтказиб келганлигини съезд мамнуният билан қайд қилди. Марказий Комитетнинг 1964 йилги октябрь ва ноябрь Пленумлари бу жиҳатдан принципиал аҳамиятга эга бўлди. Партия муҳим иқтисодий ва сиёсий проблемаларни ҳал этишга субъектив ёндошиш ва партия, совет ҳамда хўжалик аппаратини ўринсиз қайта қуришлар билан боғлиқ бўлган хатоларни тузатди. Съезд делегатлари ўз нутқларида мазкур Пленумларнинг қарорлари партиянинг бутун фаолияти ва социалистик жамият тараққиёти учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Ҳисобот доклади юзасидан қабул қилинган резолюцияда бундай дейилган эди: «Съезд коммунистик қурилишга раҳбарлик қилиш, Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини ўтказиш соҳасида Марказий Комитетнинг иш услубида қарор топган илмий ёндошиш, коллективчилик ва ишчанлик бундан буён ҳам унинг бутун фаолиятига асос қилиб олиниши лозим, деб ҳисоблайди». Шунингдек, партиянинг ташкилий фаолиятини янада такомиллаштириш, коммунистлар ва меҳнаткашлар ўртасида идеология ишини кучайтириш, партия ички демократиясини янада ривожлантириш юзасидан Марказий Комитет ишлаб чиққан тадбирлар маъқулланди ва съезд бу тадбирларнинг ўз ташкилоти ва бутун партиянинг фаолияти учун масъулиятини оширишдан иборат принципи бош йўналишнинг асосий иқтисодий вазифасини муваффақиятли бажариш гарови бўлди.

КПСС XXIII съездидан бери ўтган йиллар мобайнида 1966—1970 йилги беш йиллик план Директивалари энг муҳим иқтисодий ва социал кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди. Совет халқининг партия раҳнамолигида XXIII съезд қарорларини амалга ошириш борасидаги кураши натижасида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда янги-янги чўққилар забт этилди. КПСС Марказий Комитетининг тўққизинчи беш йиллик план юзасидан Директиваларни лойиҳасида қайд қилинганидек, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда, социал вазифаларни ҳал этишда, совет кишиларининг моддий турмуш ва маданий савиясини оширишда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги мустаҳкамланди, социалистик демократия янада ривож топди. Ватанимизнинг халқаро обрўси ошди, мудофаа қуввати мустаҳкамланди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча қардош халқлар билан биргаликда КПСС XXIII съездининг буюк режаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшдилар. Саккизинчи беш йиллик топшириқлари энг муҳим иқтисодий ва социал кўрсаткичлар бўйича оширилди, республика экономикаси ва маданияти янада юксалди, халқнинг турмуш даражаси ўсди.

XXIII съезд қарорларини бажариш учун қураш шиори билан ўтган йиллар КПССнинг жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳаётида катта из қолдирди. Республика Компартияси соп жиҳатидан ўсди, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан янада кўпроқ чиниқди, ташкилотчилик ва сиёсий иш соҳасида янги тажриба тўплади, коммунистик қурилишнинг буюк вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қодир эканлигини кўрсатди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг бу сифат ва ҳислатлари унинг яқинда бўлиб ўтган XVIII съездида янги куч билан ёркин намоён бўлди.

КПСС XXIII съездидан кейинги давр Тошкент области учун ҳам улкан ўзгариш ва янги юксалиш даври бўлди. Область партия ташкилоти XXIII съезд ва партия Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини ўз фаолияти учун асосий йўл-йўриқ ва программ кўрсатма қилиб олиб, унга ҳамиша амал қилиб келди. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича саккизинчи беш йиллик план барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этилди. Саноат маҳсулоти ҳажми 1,4 баравар ошди. Индустриянинг электр энергия ҳосил қилиш, қора ва рангли металлургия, машинасозлик ҳамда металл ишлаш каби етакчи тармоқлари айниқса тез суръатлар билан ривожланди. Электроника, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш, транспорт янада равнақ топди.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик областда ўтган беш йилликда анча юксалди. Беш йил мобайнида давлатга планга қўшимча равишда 100 минг тонна пахта сотилди.

КПСС XXIII съезди Коммунистик партиямизнинг шонли тарихига янги ўчмас саҳифалар қўшди. У мамлакатимиз иқтисодий ва маданий тараққиётида улкан зафарларни таъминлаб, халқимизни, прогрессив инсониятни кишиликнинг эзгу орзуси — коммунизмга янада яқин қилиб қўйди. Она-Ватанимизнинг ўтган беш йил мобайнида тағин ҳам бақувват тортган куч-қудрати, партия ва халқнинг янада ҳам мустаҳкамланган монолит бирлиги, коммунизм қурилишида орттирилган бой тажриба КПСС XXIV съезди белгилаб берадиган янги улуғвор режаларни тўла-тўкис амалга оширишга хизмат қилади.

Т. НАЖМИДДИНОВ,
тарих фанлари кандидати.

КПСС ХХIV СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

ФИРМА ҚИЗИ



Смена мастерининг жонига яна Пўлатой оро кирди.

Иш бошланиб, конвейерлар ҳаракатга келган эди. Заготовкалар ҳам, костюмларнинг ярим тайёр қисмлари ҳам бирин-кетин қўлдан-қўлга ўтиб, асталик билан тикув жараёнлари бажарилаяпти. Аммо, Турсуной опа ҳалигача дарак йўқ. Агрегати ҳаракатсиз турибди. Орадан беш минут, ўн минут, ўтди. Мастернинг бир кўзи конвейерлардан оқиб келаётган маҳсулотларда, бир кўзи эшикда. Қани энди ҳозир Турсуной кириб келса-ю машинасини юргазиб юборса.

— Энди ортиқ кутолмаймиз. Иш ётиб қолади, — деди мастер Наима опа тайёр костюмларни дазмолдан чиқараётган Пўлатойнинг ёнига бориб. — Вошқа иложим йўқ. Яна сиздан илтимос қиламан, бугун Турсуной машинасида ҳам ишлаб берасиз. Тоби қочиб қолганга ўхшайди.

Пўлатой қўлидаги костюмларни тез-тез дазмоллаб техника контроли бўлимига топшириб-да, Турсуной Саримсоқованинг агрегатига ўтирди. Ингилиб қолган ярим тайёр моллар-нинг чокини тикиб бўлгач, бир дам яна ўзининг юмушини қилди. Шу тариқа кун бўйи икки жараённи бажаришда давом этди...

Наима Абдурашидова билан Пўлатой Абдурахмонова фирмага олдинма-кейин келишган. Наима опа енгил саноат техникумини тамомлаб, цехда мастерлик қилаётганда Пўлатой шогирд бўлиб иш бошлаган эди. Бу абжир қизнинг зеҳнига Наима опа ўшанда қойил қолган эди. Орадан бир ой ҳам ўтмай, мустақил ишлай бошлади. Ўшандан бери Наима опа билан Пўлатой бир цехда ёнма-ён меҳнат қилиб келишяпти. Пўлатой партияга ўтаётганида Наима опа биринчи бўлиб унга кафолот берди. Устозлар, ишбилармон мутахассислар ёрдамида костюмлар тикиш технологиясини бошидан оёғигача пухта ўрганиб олди.

Ишни шогирдликдан бошлаган Пўлатой бугун фирманинг барча ёшларига устозлик қиляпти. Ҳозир цехда мустақил иш бажараётган Маҳмуда Раҳимова, Маъмура Ҳамидова, Нина Яксон каби тикувчилар ҳунарни дастлаб Пўлатойдан ўрганишган.

—Пўлатой ажойиб табиатли аёл. Оилада меҳрибон она, корхонада пешқадам тикувчи, актив жамоатчи, — дейди Наимай опа. — Одамлар учун у қўлидан келган яхшиликни аямайди. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, сайловчиларнинг кўп наказини бажарди, фирма ишчиларига катта ёрдам берди.

Яқинда депутат Пўлатой Абдурахмонова Киров район сайлов округи сайловчилари билан учрашди. Бундай учрашувлар олдин ҳам бўлиб турган эди. Лекин бу галгисига у алоҳида тайёргарлик кўрди. Сайловчиларга фирма коллективининг ўтган беш йилликдаги ишлари ҳақида, ўзи бажараётган наказлар тўғрисида гапириб бериши керак эди.

Фирмада саккизинчи беш йиллик плани ўтган йилнинг 30 октябридаёқ бажариб қўйилган эди. Планга қўшимча 5,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот тайёрлаш ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши 11,1 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги беш йилликнинг биринчи йилига нисбатан ҳозир 75 процентга ўсган. Ишчилар маоши эса 23 процентга ошди.

Ўтган беш йилликда «Юлдуз» фирмасида ажойиб ўзгаришлар ясалди. Ноқулай цехлар ўрнида кўпқаватли ишлаб чиқариш корпуслари кўкка бўй чўзди. Эскирган ускуналар янги, замонавий машиналар билан алмаштирилди. Янги техника ва технологиянинг жорий этилиши туфайли корхона беш йил мобайнида 1 миллион 304,5 минг сўмлик фойда кўрди.

Депутат Пўлатой Абдурахмонова мана шу юксалиш рақамларини ён дафтарчасига ёзиб қўйди. Сўнг ўзи бажарган наказларни эсга олди...

Ўшанда ишдан энди ўйга қайтиб овқатга уннагани ошхонага кирган эди. Кўча эшик тақиллаб қолди. Ёши анчага бориб қолган нотаниш бир киши турарди.

— Қизим, олдингизга бир илтимос билан келдим, бемовруд бўлса узур...

— Марҳамат, ичкарига киринг, бафуржа гаплашамиз.

Пўлатой қарияга бир пиёла иссиқ чой тутди. Ҳол-аҳвол сўради, сўнг арзига қулоқ солди.

— Қариганимизда бу кўргулик.... чол кўзларига ёш олди. — Ўғлим Асатулла бир-икки-та ёмонга қўшилиб, жиноятга қўл урибди. Норасида болаларга ҳам, ўз жонига ҳам жабр қилди. Ҳаётида биринчи марта шундай дакки еяпти. Ердам беринг, ўқимни қайта кўриб, бироз юмшатишсин. Бўлмаса, боламнинг икки йил умри бекорга кетади.

Отанинг қўз ёшлари Пўлатойнинг кўнглини бузиб юборди. Ҳеч ким қариганда шундай ҳолга тушмасин.

— Хафа бўлманг ота, қўлимдан келган ёрдамимни аямайман, — деди у қарияни юпатиб. — Биринчи марта судланишлари экан, болалари ҳам мурғак экан — ҳукумат, албатта, раҳм қилади, кўнглингиз тўқ бўлаверсин.

Депутатнинг гапи чолнинг юрагига далда берди. Чеҳраси ёришиб, уйдан чиқди.

Орадан кўп ўтмай, Пўлатой Абдурахмонова республика Олий судининг навбатдаги йиғилишида Асатулла Расулмуҳамедовнинг жиноий иши юзасидан чиқарилган ҳукмни қайта кўриб чиқиш масаласини қўйди. Йиғилиш аъзолари шароитни ҳар жиҳатдан пухта ўрганишиб, қамоқ муддатини қисқартириш мумкин деган қарорга келишди..

Пўлатой ўз меҳнатлари эвазига яқинда яна бир бахтга мушяссар бўлди. Коммунистлар пешқадам ишчи, актив жамоатчи Пўлатой Абдурахмоновага катта ишонч билдириб, область XVI партия конференциясида уни КПСС XXIV съездига делегат қилиб сайладилар.

Ж. НОСИРОВ.

БРИГАДИР ЭРГАШ



Бу ердан навқирон Олмалиқ шаҳри кафтдек кўринади. Марказий Ленин проспекти шаҳар белига гўё камар бўлиб тушгандек, Ҳамроҳимиз марказий карьер бошлиғи Александр Ильич билан Қалмоққир конига етиб келганимизда иккинчи смена ишга тушишига ярим соатча вақт бор экан. Карьер бошлиғи йигитлар билан саломлашиб Эргашни сўради.

— Ҳозир-замон келиб қолади, — деди малла соч йигит.

— Бригадирингиздан аввал келиб нима қиляпсизлар?

— Александр Ильич, айни вақтида келдингизда, — деди Юсуф Алиев, — бошлиқни даврага таклиф этар экан, — биласизми биз йигитлар билан маслаҳатлашиб Эргаш Москва-га, съездга кетган кунлари унинг нормасини ҳам бажаришга қарор қилдик. Ҳозир шуни маслаҳатлашиб турган эдик.

— Бригадирсиз йиғилиш ўтказганларингизнинг боиси шунда эканда, — кулди Шабанов. Баракалла дўст деган мана шундай бўлиши керак.

— Ана бригадирнинг ўзи ҳам келиб қолди, — дея устозга пешвоз чиқди шогирд В. Валиаҳмедов. Ўрта бўйли, елкадор. 28-30 ёшлар чамасидаги йигит ҳамма билан қўл олишиб кўришиб чиқди. Карьер бошлиғи Эргаш билан бизни ҳоли қолдириб узр сўрашда, қўшни бригада ишларидан хабар олгани кетди.

Эргаш Пўлатов камгап йигит экан. У ҳар бир саволимизга икки оғиз сўз билан жавоб қиларди. Бу машинист-экскаваторчи йигит ҳақида унинг дўстлари ҳикоя қилиб беришди.

Эргаш карьерга ишга келганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Меҳнат фаолиятини Қўрғошин конида машинист ёрдамчиси бўлиб бошлади. Вақт топиб ўқиди, машинистлик курсини битирди. Уқувли абжир, чарчаш нималигини билмайдиган йигитни тезда мустақил ишга ўтказдилар. 1966 йили Қалмоққир конига таклиф этишди. Бу ерда ҳам Эргаш ҳамкасблари ҳурматини тезда қозонди, унга юксак ишонч билдириб бригадирликни топширишди.

Қудратли ЭГКИ нинг 8 куб метрлик оғир чўмичи баҳор қуёшида ажиб товланаётган руда бўлакларини вагонеткаларга ортяпти. 12 дункар чоракам бир соатга қолмай тўлди. Тепловоз сигнал бериб йўлга тушди. Бу рудалар мис бойитиш фабрикасида ишловдан ўтади.

Иван Старипин, Юсуф Алиев ва Юрий Павловлар ҳам дункарларни чаққонлик билан тўлдиришмоқда. Бригадир йигитларнинг меҳнатидан ҳурсанд. Улар ҳақида гурурланиб гапирди.

Ҳамкасбларим қатори мен ҳам партиямиз съезди очиладиган кунни меҳнат совғаси билан кутиб олишга аҳд қилган эдим. Область XVI партия конференциясида мени КПСС XXIV съездига делегат қилиб сайлашгандан кейин ғайратим янада жўшиб кетди. Уч ойлик планни анча ошириб бажардим. Январь ойида 90 минг куб метр руда ортишим керак эди. Мен эса 120 минг куб метр руда ортдим. Февраль ва март ойларидаги кўрсаткичларим ундан ҳам яхши бўлди. Қолаберса мана дўстларим съездга кетганимда менинг нормамни ҳам бажаришга қарор қилишипти.

Экскаваторчилар бригадири яна ҳамкасбларини мақтай кетди. 8-бригада бидан бўлаётган мусобақа, вагонеткаларни ўз вақтида берилмай қолиш ҳоллари, меҳнат унумдорлигини ошириш борасида бригада аъзоларининг таклифлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Тинниб-тинчимас, меҳнаткаш Эргаш ҳамма нарсага вақт топади. У бу йил тоғ-металлургия техникумини тугатади. Диплом ишини ёзиб тугатяпти.

Эргаш босиб ўтган йўли ҳақида гапирар экан устози Борис Агарковнинг хизматлари, биринчи бор мустақил иш бошлаган дамларини қувонч билан эсларди. Экскаваторчи машинист 1965 йилнинг кузини худди куни кечагидек эслайди. Ўшанда уни Ленин партияси сафига қабул қилишган эди.

Эргаш ота-онадан жуда барвақт етим қолди. Уни опаси Ҳалима тарбиялаб вояга етказди. Ёш Эргаш бахтли замонамизда етимлик нималигини билмади. Ўқиди, меҳнат қилди. Эзу-юрт олдида обрў топди. У ўз қўли билан ўз бахтини яратган жаноби ишчи олийларидан бири бўлади.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ТУТАШ ИЛДИЗЛАР



Олимлар чўлга кўчиб келган боғбонлар билан ҳамиша бирга, яқдиллар. Чўл тупроғи қанақа кўчатни, қайси навдаги меваларни хоҳлашини айтиб берган олимлардан бири Тошкент биқинидаги академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг директори Маҳмуд Мирзаев эди.

Унинг ота-бобоси боғбон бўлганлигиданми, ёшлигида кўчат экиб ўстиришни, эккан кўчати мевасини биров татиганда хурсанд бўлиб қувонишни яхши кўрарди. Ёшликда боғдорчиликка бўлган муҳаббат мева дарахтидек ўсди, улғайди, шох ёзиб қанот боғлади. Маҳмуд Мирзаев ўрта мактабда ўқиб юрганида боғдорчилик илмини эгаллаш орзусида эди, шу орзусига етди. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини 1943 йилда муваффақиятли битирди. Сурхон воҳасида боғбон-агроном бўлиб бир неча йил ишлади.

У қаерда ишлаган бўлса, ўша ерда иқлим шароити, тупроқ ҳоссасини ўрганар, бу жойларда қандай мевалар яхши ўсишини кексалардан сўраб билгиси келар, шу хилдаги мевазор боғларни кўпайтириш учун ҳаракат қиларди. Мана шу ҳаракат билимни тажриба билан боғлаш устида олиб борилган ишлар ўз самарасини кўрсатди. Маҳмуд Мирзаев 1947 йилда ўша вақтда кичик илмий-текшириш станцияси ҳисобланган Шредер боғига директор бўлиб келди. Республика партия ва совет ташкилотларининг қарорига биноан 1948 йилда станция илмий-текшириш институтига айлантирилди.

Маҳмуд Мирзаев ҳикоя қилади:

— Ўша йилларда институтимизда фан кандидати бир киши эди. Иккита лаборатория бўлиб, 76 гектар ерда тажриба ишлари олиб борардик. Бор-йўғи 10—12 минг туп кўчат етиштириларди. Ҳозирчи..

Эндиликда академик Р. Р. Шредер номли институт республикамиздагина эмас, Иттифоқ миқёсида ҳам йирик ва кўптармоқли боғдорчилик дорилфунунига айланди.

Институт илмий ходимлари минг гектар майдонда кўчат ўстириб, тажриба ишлари олиб бормоқдалар. Агар унинг филиаллари қўшиб ҳисобланса, жами экин майдони 16 минг гектарга етади. Институтда 35 та бўлим ва лаборатория бор. Унинг қошида 26 та илмий ташкилот иш олиб бормоқда. Шундан 14 таси мевали дарахтлар кўчати тайёрлайдиган экспериментал база совхозлардир.

Салкам чорак асрдан бери шу институтга қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Маҳмуд Мирзаев директорлик қилиб келмоқда. Бундан 25 йилча бурун бу ерда битта фан кандидати иш олиб борган бўлса, ҳозир улар сони 52 кишига етди. Фан докторларидан уч киши институтни ривожлантиришда муваффақиятли меҳнат қилмоқда. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга боғбон олимларни етказиб беришда ҳам институтнинг хизматлари катта.

Республикамизни мевазор боғлар ўлкасига айлантиришда бу институт тажриба далаларида етиштирилаётган кўчат навидан, мевасининг сифатидан, ишлаб чиқарилаётган илмий қўлланмалардан, боғдорчилик учун яратилаётган янги техника ва ҳар хил препаратлардан барча боғбонлар ҳурсанд. Биз бу ерда экиб ўстирилган янги нав мева кўчатларини Мирзачўл ерларида, Марказий Фарғона далаларида, Сурхон водийсида. Қаршн чўлларида ғ рамиз. Қаерга борсангиз, кўчатини Шредер институтид олиб келганмиз, дейишади. Мевасини дастурхонга қўйишаётганда ҳам шу институт номи тилга олинади.

Институт ҳақиқатан ҳам янги мева навлари ва боғдорчилик кадрлари етиштирадиган катта дарғоҳ бўлиб қолди. Бу ерда ҳар йили 16—18 миллион кўчат ўстириб етиштирилади. Йилига 150—200 киши ўқитилиб Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларига, боғдорчилик ишларига юборилади. Институт қошидаги агротехника мактабида 650 йигит-қиз билим олади.

Кейинги 10—15 йил ичида 1250 хил узум нави, 700 хил олма, 300 хил нок, 100 хил беҳи, 500 хил ўрик, 450 хил шафтоли навлари яратилдики, буларнинг ширалилиги, эртапишарлиги, сермевалиги боғбонларни қувонтирмоқда. Кейинги саккиз йил ичида республикадаги колхоз ва совхозларда 35 минг гектар ерда мевазор ва узумзор боғлар барпо этишда институт ходимлари бевосита қатнашдилар.

— Боғ— ҳаёт келиничаги, юртимиз чиройи, турмушимиз тўкин-сочинлиги, — давом этади Маҳмуд Мирзаев. — Шунинг учун бизга боғдорчиликни янада кенгайтиришда янгидан ўзлаштирилаётган Мирзачўл ва Қарши ерларида, Марказий Фарғонада, тоғ этакларида мевазор боғларни кўпайтиришда меҳнатимизни, билимимизни аямай ҳаракат қиламиз, боғбонларга кўлимиздан келганча ёрдам берамиз. Институтнинг кўпгина филиалларида, тоғли зоналарда анорзорлар, ёнғоқзорлар, писта ва бодомзорлар барпо этиш учун катта ишлар олиб борилмоқда.

Маҳмуд Мирзаев янги беш йилликда амалга ошиладиган режалари тўғрисида, ундан кейинги йиллар ҳақида гапирар экан, юзлари ёришиб кетди. Боғларда етиштирилаётган меваларни қайта ишлаш ҳали кўнгилдагидек эмаслиги, шунинг учун қанча-қанча мева исроф бўлиб кетаётганлиги тўғрисида қайғуриб гапиради. Ёз кунлари шарбатга тўлган мевалар қайта ишланадиган корхоналар томонидан ўз вақтида қабул қилиб олинса, халқимиз қиш ва баҳор фаслида узум ва бошқа мевалар шарбатини етарли миқдорда олиш имкониятига эга бўларди, дейди у.

Тошкент яқинидаги академик Шредер номли институт далаларида етиштирилган кўчатлар илдизи ўлкамизнинг ҳамма жойида томир отиб, ўсиб, мева бермоқда. Шунинг учун халқимиз, мева дарахтлари кўчати Шредер боғлари кўчатлари илдизи билан туташ, шунинг учун ҳам мевамиз мўл, ширали дейдилар. Бу Шредер авлодини, шогирдларини қувонтиради, албатта.

Республикамизда боғдорчиликни илмий асосда йил сайин кенгайтиришда қилаётган катта хизматлари учун Маҳмуд Мирзаев эл ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда. Тошкент область коммунистлари уни КПССнинг XXIV съездига делегат қилиб сайладилар.

Маҳмуд Мирзаев халқ ишончини оқлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиладиган, билимдон, ташкилотчи олимлардан. Биз ҳам унга катта муваффақиятлар тилаймиз.

С. МАҲКАМОВ.

ТОШКЕНТДА БАҲОР

Март туни бир нафасдек ўтиб кетди, биз бу кечани Москва—Тошкент самолётида ўтказиб, қиш қаҳратонидан алвондек яшнаб турган баҳор қучоғига кириб келдик. Беш соатлик йўлда ҳориган йўловчилар уйқу босган кўзларини апил-тапил ишқалаб, самолёт зинапоясидан тушиб келар эканлар, қўлқопларини шошапиша чўнтакка солишади, шарфларини бўйинларидан олишади, ерга тушишлари биланоқ пальтолари ва шапкаларини ҳам ечиб юборишади. Сўнг майин жилмайишади: гўё, Тошкент бизни кечир- ҳозир Москва атрофида қиш изғиринлари, шунинг учун қалин кийингандик, дейишгандек бўлади.

Тошкентда ўрик ва бодом гуллаган. Ўтлар кўкариб турибди. Тошкентлик болалар мактаб ҳовлилари ва кўчаларни тозалаяпти. Тошкентдаги ҳовлиларда, чойхоналарда ва кўчалардаги чорпояларда пири-бадавлат кексалар чой ичиб ўтиришибди... Бутун олам қуёш нурида эркаланаяпти, кўкламнинг одамни сарҳуш этадиган ажиб руҳи ҳукмрон.

Чоштоҳга бориб ҳаво 30 градусга кўтарилди, квартираларда, ишхоналарда ва студентларнинг дарсхоналарида бирорта тошкентлик қолдимикин, деб ўйлайсиз. Майдонлар ва кўчалар одамларга тўлиб кетди. Ҳамма ерда гул ва кўчат ўтказишяпти, супириб-сидиришяпти. Фавворалардан осмону-фалакка сув пуркалди, сув сепадиган машиналар қатнаб қолди. Уларнинг шалоласи офтоб нурида камалак рангида товланади, чучмўма ва бинафша кўтарган қизларнинг ҳусни-жамоли яна очилган. Хуллас, Тошкентда баҳорнинг бутун гўзаллиги намоён бўлиб турибди. Гўё ана шу шаҳарда табиат ўзининг катта машқини ўтказаяпти. Шундан кейин Шимол томонларга ҳам кўкламнинг қутлуғ нафаси етади.

Лекин ҳар қалай Тошкент баҳорининг асосий ҳислати бошқа нарсада. 1966 йилнинг 26 апрелини, соат 5-у 23 минутни эслайлик... Ўзбекистон пойтахти замини гурсиллаб турганида одамларнинг қалби сабуҳий-шабнамдек титрагани эслайлик.

Бу кўклам тошкентликлар қаҳрамонлигининг бешинчи баҳоридир.

Шаҳар бош архитекторининг юмуши бундоқ қараганда жуда жўн кўринади. Шаҳарни сайр қилдириб, гапириб бериш. Биз Ленин ҳиёбонига келиб қолдик, шунда Собир Раҳимович Одилов ўйланиб қолди. Ҳикояни нимадан бошласам экан?

— Сиз илгари Тошкентда бўлмаганингиз чаккида, — деди у.

«Илгари» дейилганида то зилзилагача бўлган Тошкент назарда тутилади. Мен бундай гапларни бот-бот эшитганман. Эҳ, эссиз бўлмагансиз-да, деган маънони англаганман. Тошкентликлар шаҳримизга янги келган одам кейинги йилларда бунёд этилган ишлар миқёсини уқиб олармикан, жасоратни пайқаб олармикан деб бироз ҳавотирланиб туришади.

Илгари бу ердан Самарқанд кўчаси ўтган эди. Лойсувоқ бир қаватли уйлар, пахса деворлар, тор кўчалар, эски Тошкентга хос бўлган ғуж-ғуж иморатлар. Кўпгина иморатлар қулаб тушди. Тўкилиб кетди, зилзиланинг биринчи зарбиданоқ яшаб бўлмайдиган бўлиб қолди. Қолган-кутган иморатларни кейинчалик танклар, бўлдозерлар, экскаваторларнинг «хартуми» бузди. Вайроналар деворига «Тошкент мамлакатнинг энг чиройли шаҳри бўлади», деб ёзиб қўйишганди одамлар.

Ленин ҳиёбони бунинг ёрқин исботидир. Хиёбон гўзаллик ва бағри кенглик шаънига айтилган байрам қўшиғидай туюлади, тарихга ва бугунги кунга улуғвор қасидадек, миллийлик ва умуминсонийликка гимндек янграйди. Бу ҳиёбон янги Тошкентнинг бағрига кириб кетгандек. Ён атрофида баланд-баланд иморатлар, чойхона ва «Нилий-гумбаз» кафеси хиёбонга алоҳида кўрк бахш этиб турибди, ҳиёбонда ҳовузлар, чорпоялар, фонтанлар, болалар майдонлари, зинапоялар, кўкаламзорлар, гулзорлар бор... Нақшинкор устунлар ва қадимги ўймакорлик кенг залларнинг ойнавайд кўшклари билан узвий боғланиб кетган. Самарқанд мармари - Украина сополига, бўрсилдоқ нон ёпилаётган тандирлар замонавий мебелга яраша тушибди.

Хиёбоннинг ўртасида тўрт-бурчак мармар қаср қад кўтарган. Унинг чор атрофидаги мармар панжаралари офтоб нурида ялтирайди. Кенг мармар зинапоялар зиёратга чорлаяпти. Бу улуғ доҳиймизнинг 100 йиллиги шарафига қад кўтарган В. И. Ленин марказий музейининг филиалидир. Зиёратгоҳ абадийлик тимсоли, улуғ ленинча халқлар дўстлигининг абадийлиги тимсолидир. Доҳиймизга ёдгорлик бўлган ана шу улуғвор бинодан Ўзбекистон пойтахтининг бугунги куни билан танишишни бошлаймиз.

Ҳамма республикалар ва мамлакатимиздаги ўнлаб областларнинг зилзиладан озор чеккан Тошкентга қардошлик ёрдами тўғрисида китоблар ёзилган. Кинокартиналар яратилган, ҳайкаллар ўрнатилган. «Биз бу ҳақда қанча гапирсак шунча оз, — деди менга Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов.— Чунки бу мадад ҳамишалик, кун ўтган сайин дўстларимизнинг ҳиссаси тобора ортиб бораверади».

«Тошкент мўъжизаси»нинг ўлчамлари аниқ. Ўтган беш йил мобайнида бу ерда 4,5 миллион квадрат метр уй-жой қурилди. Бу шундан илгариги 20 йил ичида қурилганига баравар. Ободончилик ҳақида гапирадиган бўлсак, кейинги йилларда қилинган ишларни асрларга татийди десак муболаға бўлмайди.

Москва микрорайонига борсак нима дейсиз? — деди менга бош архитектор.

Бу марказдан унча йироқ эмас экан. Мана, тўққиз қаватли кумушранг бинолар, уларни москвалик қурувчилар йирик темир бетон панеллардан тиклашган. Сал нарига ўтсангиз, худди Москванинг янги районига, Химки-Ховрино ёки Черемушкага келиб қолгандек бўласиз. Бу ерларда тўққиз қаватли уйларни оралатиб тўрт қаватли узун уйлар тушган. Квартал оралиқларида эса болалар боғчалари ва мактаблар, уларга ранг-баранг кошинлар билан пардоз берилган. Бу уйларнинг режаси ҳам москвача. Кўчалар, ҳовли рўялари кенг, баҳаво.

Москва микрорайонининг ёнверида Россия даҳалари: бу уйларга оқ цемент билан пардоз берилган. Кўчалар ҳам анча кенг. Сал нарида оқ кулранг пардоз берилган Украина кварталлари, улар Крещатикин ва Киевдаги бошқа иморатларни эслатади. Яна нарида эса эски шаҳарнинг умрини ўтаб бўлган иморатларини бузиб «Халқлар дўстлиги» проспекти очилибди. Бу проспект Ленин майдонини Ўзбекистон пойтахтининг машҳур райони Чилонзор билан боғлайди.

Дўстликнинг ўзгача «географияси» бор. Ҳамма республикалар ва 47 область Тошкент теварагидаги районга жо бўлгандай. Географик номлар сира-сира ҳақиқий харитага қовушмайди. Тула шаҳрининг герби қозоқ нақши туширилган уйнинг ёнида, калугаликлар Тошкентга деган ёзув битилган уйлар Нижний Тагил ва Свердловск шаҳридан келган қурувчиларнинг дастхати туширилган иморатлар билан ёнма-ён, Ленинград Озарбайжонга чегарадош бўлиб қолган. Ҳар ер-ҳар ерда тошкентликларга бахт-саодат ёр бўлсин, «қардошлик ёрдами учун раҳмат» деган ёзувларни ўқиймиз.

Чилонзордан келаётиб, Тошкент Бош плани лойиҳа институтига кириб ўтдик. Янги беш йиллик бўсағасида турганингда фақат қилинган ишларга эмас, келажакка ҳам назар солгинг келади. Қурилишдаги мисли кўрилмаган ҳозирги суръат келгуси йилларда ҳам давом этади. Янги беш йилликда Тошкентда яна 3 миллион 250 минг квадрат метр уй-жой, маданий-маиший ва коммунал хўжалик объектлари билан биргаликда қад кўтаради. Шаҳарнинг Жануби-Ғарбида ва Қорақамиш районида қурилиш ниҳоясига етади, Шимоли-Ғарб ва Ғарб районларида қурилиш кенг кўламда боради. Тошкентда янги-янги Чилонзорлар бунёд бўлиб, ҳусни-жамолини очади.

Тошкентда 1,5 миллион аҳоли яшайди. Улар 106 миллат ва халқнинг вакилидир. Тошкентликлар халқ хўжалиги, маданият ва фаннинг ҳамма тармоқларида меҳнат қилмоқдалар. Тенгҳуқуқли миллатларнинг кўнгилли иттифоқи ҳақидаги ленинча таълимот совет ҳаёт тарзининг энг асосий хусусиятидир. Халқлар дўстлиги ва бирлигининг энг ёрқин тимсолларидан бири Тошкент десак арзийди. Ҳа, ана шу мардлик шаҳри, ризқи-рўз шаҳри, гўзал шаҳар шундай баҳога лойиқ.

В. БЕКЕТОВ,
«Правда»нинг махсус мухбири,

(«Правда» 26 март, 1971 йил).



ҒУЛОМ АЛИМОВ Тошкентдаги электротехника заводида бир неча йилдан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда. Айни кунларда у КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, смена нормасини 140-150 процентга етказиб адо этяпти. Суратда: ўртоқ Ғ. Алимов иш устида.

ҲИНДИ-ХИТОЙ ХАЛҚЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

Тошкентдаги В. И. Ленин номли Давлат университети ўқитувчилари ва студентларининг 25 мартда ўтказилган митингида «Ҳинди-Хитойдан қўлингни торт!» деган талаб жаранглаб эшитилди.

Студентлардан Ш. Мунаваров, М. Эсонов, доцент М. Мирабдуллаев ва митингнинг бошқа қатнашчилари Америка империалистлари ва уларга сотилган Сайгон кўғирчоқларининг Вьетнамдаги уруш ҳаракатларини кенгайтириш, Камбоджа ва Лаос территориясида уруш алангасини авж олдириш йўлидаги интилишларини қаҳр-ғазаб билан қоралашдилар.

Митинг қатнашчилари қабул қилинган резолюцияда АҚШ ҳукуматидан Ҳинди-Хитойдаги босқинчилик дарҳол тўхтатилсин, АҚШ қўшинлари Вьетнам, Камбоджа ва Лаос территориясидан олиб чиқиб кетилсин, бу мамлакатларнинг халқларига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилсин, деб талаб этдилар.

(ЎзТАГ).

Олимлар билан учрашувлар

Жонажон партиямизнинг XXIV съезди арафасида олимларнинг қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашлари билан учрашув кечалари ўтказилмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар олимлари жойларда бўлиб, илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва ижодий режалари ҳақида гапириб бердилар.

Куни кеча Бекобод шаҳрида ҳам фан куни ўтказилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик И. Мўминов бошчилигидаги бир группа фан аҳиллари — философ, иқтисодчи, медик ва биолог олимлар иштирок этган бу учрашувлар жуда қизиқарли бўлди. Улар В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия ва цемент заводларида, Фарҳод ГЭСи ва бир қатор мактабларда лекция ва докладлар билан чиқдилар.

Бўка районида ўтказилган фан куни ҳам кишиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Тупроқшунослик илмий-текшириш институти олимлари билан бўлган учрашувлар қизғин савол-жавобга айланиб кетди. Институт директори М. Умаров ва бошқа олимлар деҳқончилик фани билан боғлиқ масалалар устида батафсил тўхталдилар.

ЎТМИШ ОБИДАЛАРИ ЖАМОЛИ

Бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистон тарихи ва маданияти ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятининг область Совети ташкил қилинган эди.

Шу ўтган вақт мобайнида бу кўнгилли жамият аъзолари областимиздаги тарих ва маданият обидаларини топиш, уларни ўрганиш, муҳофаза қилиш, ўтмиш ёдгорликларини пропаганда қилиш борасида бирмунча ишларни амалга оширдилар.

Эндиликда жамиятнинг областдаги бўлими сафларида 50400 га яқин аъзоси ҳамда 130,5 мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари бўлиб, улар 900 бошланғич ташкилотга бирлашиб иш кўрмоқдалар. Бундан ташқари 600 дан ортиқ юридик аъзоларимиз ҳам ўтмиш обидаларини муҳофаза қилиш борасида иш олиб бормоқда.

Ўтмиш обидаларининг ҳозирги кунимиз учун аҳамияти ҳаммага маълум. Улар ўзбек халқининг бадиий даҳосини ўзида мужассамлантирган бўлиб, чинакам халқ санъатининг кўз-кўз қилинадиган намуналари саналади. Ана шу тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим иш ҳисобланади.

Бу ишни жамоатчилик, айниқса, олимлар, маданият ходимлари, санъатшунослар ёрдамисиз амалга ошириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам жамиятнинг область совети қатор илмий муассасалар билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Республикамиздаги тарих ва археология институти, Ҳамза номли санъатшунослик институти, Маданият министрлигининг ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўйича бош бошқармаси, Тошкент политехника институти, Ангрен, Чирчиқ ўлкашунослик музейи бу борада бизга яхши ёрдам кўрсатиб, обидаларни аниқлаш ва ўрганиш бўйича мунтазам илмий тадқиқот ишлари олиб боришяпти.

Ана шу ҳаракат натижаси ўлароқ областимиздаги археологик ёдгорликлар картаси тузиб чиқилди. Илмий экспедициялар уюштирилиб, Намудлик, Кўхисм, Қизил Олмасой қадимий шаҳарчалари, шунингдек, Чорвоқ ГЭСи зонасидаги қатор археологик ёдгорликлар ўрганилди.

Ўтмиш обидаларини муҳофаза қилишда шу обидалар жойлашган жойдаги корхоналар, колхоз ва совхозлар жамоатчилиги, билим юртларининг ўқувчилари ҳам бизга катта ёрдам беришяпти. Масалан, областимиздаги 100 дан ортиқ мактаб меҳнат ва жанговар шуҳрат ёдгорликлари муҳофазасини ўз оталиғига олган. Бу ерларда пионерлар пости тузилган, меҳнат ветеранлари ва кекса большевиклар билан учрашувлар ўтказиб турилади. Ўтган йили Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан кўпгина мактабларда Ленин хоналари, тарих бурчаклари, жанговар шуҳрат музейлари ташкил қилинди. Шунингдек, «Қизил топалар»—898 отряд ҳамда «БАРС» клубининг аъзолари, 287 ўлкашунослик тўгараги, 75 экскурсия отряди ҳам жонажон ўлкамизни, ундаги тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш бўйича иш олиб боришяпти.

Эндиликда жамиятнинг область Совети ўз олдига областнинг барча мактабларида ўлкашунослик тўгараклари тузиш, уларга тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганишда ёрдам бериш, ўтмиш обидаларига чексиз ҳурмат руҳида тарбиялаш вазифасини қўйди.

Жамият аъзолари ёдгорликларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш масалаларига ҳам катта эътибор беришяпти. Область Совети ижроия комитети яқинда Зангиота архитектура ёдгорлигининг ҳозирги аҳволи масаласини муҳокама қилиб, унинг атрофини ободонлаштириш бўйича махсус комиссия тузди. Натижада ёдгорлик атрофи бекорчи ништоатлардан ҳоли қилиниб, ободонлаштирилди. Бу ердаги тиклаш ва ремонт ишлари тугаллангач, атеизм музейининг филиалини очиш мўлжалланмоқда.

Ўтмиш обидаларининг аҳамиятини тарғиб қилиш муҳим иш эканлигини тушуниб, олимлар, мутахассислар, педагоглар кучи билан турли корхона, билим юрти, маданий-оқартув муассасалари ҳамда колхоз ва совхозларда ўтган йиллар мобайнида 600 га яқин лекция ва суҳбат уюштирилди. «Ўзбекистон ССР маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун», «Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари», «Чотқол тоғлари суратлари» каби мавзуларга бағишлаб ўтказилган тадбирлар айниқса яхши натижа берди.

Моддий маданият ёдгорликларини тарғиб қилувчи плакатлар, матбуотдаги чиқишлар, радио ва телевидение эшиттириш ва кўрсатувлари, кинофильмларни намойиш қилиш ҳам шу мақсадга бўйсундирилган. Тарихий обидалар жойлашган жойларга экскурсиялар, фотокўргазмалар ташкил этиш, махсус автоклуб орқали ўтмиш обидаларини пропаганда қилиш ишлари ҳам олиб бориляпти.

Маълумки, Тошкент воҳаси жуда қадим замонлардан бошлаб кишилар яшайдиган муқим манзил бўлиб келган. Серқуёш воҳамизда қадимнётнинг хилма-хил излари — ибтидоий одамлар яшаган ғорлар, чорвадорларнинг кўргонлари, конлар, суғориш ариқларининг қолдиғи, турли хил шакл чизилган тог қоялари ҳозиргача сақланиб қолган. Ана шу ёдгорликларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниб, уларнинг катта-кичиклиги аниқланиши, муҳофаза зонаси белгланиши лозим.

Тошкент область жамияти тарих ва археология институти олимлари билан биргаликда бу борада талай ишларни амалга оширди. Ўтган йили областда 32 та архитектура ёдгорлиги аниқланди (масалан, Ангрен шаҳрида XI—XII асрларга онд Губазобо мақбараси ҳамда XIX асрга онд Мирвали мозори, Бўстонлиқ районидаги Боғистон қишлоғида XIV асрга онд Умарвали мозори, Бекобод районида Тақачи қишлоғида XIV асрга онд мачит), шунингдек, 242 та археология ёдгорлиги, археологик шаҳарчалар, кўргонлар қолдиқлари, қояларга ишланган расмлар, 40 дан ортиқ тарихий революцион ёдгорлик аниқланди.

Жамият аъзолари бўлмиш тарих фанлари кандидатлари М. Қосимов, Ю. Буряков ҳамда Ангрен шаҳар музейининг директори О. Ростовцев томонидан республикада биринчи марта область археология ёдгорликлари картаси тузилдики, бу билан қадимий маданият ёдгорликларини ўрганиш учун яхши замин тайёрланди. Бу картада 760 ёдгорлик ўз ўрнини топган.

Умуман, областимиздаги барча районлар ҳамда айрим шаҳарлар жамиятимиз аъзолари, олимлар, студентлар томонидан кўздан кечирилиб чиқилиши натижасида бу жойларда ўнлаб ноёб архитектура ёдгорликлари топилди.

Масалан, Тошкент денгизи зонасида (Туябўғиз сув омбори) моддий маданиятнинг муҳим манбаи — Книдиктепа шаҳарчаси ўрганилмоқда. Бу тепада Тошкент шаҳрининг I—XII асрлар чегарасида мавжуд бўлган мустаҳкам деворларининг қолдиқлари, қалъа парчалари, қадимий уй-жой ва устахоналар қолдиқлари сақланиб қолган.

Ана шу каби қадимий ўтмиш обидаларини бундан буён ҳам чуқур ўрганиш ҳамда муҳофаза қилиш бизнинг муҳим ишимиз.

Шонли ўтмишимизнинг бизгача етиб келган турли хил обидаларини аниқлаш, ўрганиш ва муҳофаза қилиш ишлари муҳим давлат иши эканлигини унутмаслигимиз керак.

С. РАҲМАТХЎЖАЕВА,
область ижроия комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти область совети президиумининг раиси.



ТОШКЕНТДАГИ экскаватор ремонти заводида 1-механика-йиғув цехи токари Бўриевой Шоқосимов ҳамда старший мастер Раиса Сударйковалар номи ҳурмат-икром билан тилга олинади. Меҳнатсеварлар қўлидан чиққан ҳар бир деталл доимо юқори сортга қабул қилинади. Суратда: корхона пешқадамлари иш устида.

И. Глауберзон фотолари.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ЛАЛМИ ЕРЛАРДА БОҒДОРЧИЛИК ВА ТОКЧИЛИК

Ўзбекистонда лалми боғдорчилик ва токчиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бўш ётган тоғолди ва тоғлик районларда ташкил қилинган боғлар катта даромад олиш имконини беради, ерларни турли хил эрозиядан сақлайди. Сувни тежаб, пахта шоли, каноп, сабзавот каби суғоришни талаб қиладиган экинларни етарлича сув билан таъминлашни яхшилайди.

Тошкент областининг «Бўстонлиқ», «Ҳўжакент», «Нанай», «Олмалиқ», «Паркент», «Оҳангарон» каби ихтисослаштирилган мевачилик совхозлари шартли суғориладиган ва суғорилмайдиган боғларнинг ҳар гектаридан 10—12 тонна мева, 4—6 тоннадан узум ҳосили оляптилар.

Лалми боғдорчилик ва токчилик суғориладиган мевали дарахтларга нисбатан бирмунча афзалликларга эга. Тоғолди ва тоғлик жойлардаги мева дарахтлари кеч гуллайди. Натижада улар баҳорги совуқлардан деярли зарарланмайдилар. Тоғларда қор қалин бўлиб, тупроқни қаттиқ музлашдан сақлайди. Шунинг учун боғлар қишки совуқлардан кам зарарланадилар. Қорнинг кўп бўлиши тоғли жойларда токларни қишда қўммасдан ўстиришга имконият беради. Тоғнинг мевали ҳар доим рангдор, мазалик, узоқ турадиган бўлади. Улар ҳаштаротлардан кам зарарланадилар.

Ўзбекистонда лалми деҳқончилика яроқли 6,5 миллион гектар ер бор. Уларнинг кўп қисми ўзлаштирилган эмас. Йилига 400—500 миллиметр ёғин тушадиган унумдор тупроқли тоғолди ва тоғлик районларда токчиликни, 500—600 миллиметр ёғин тушадиган жойларда эса лалми мевачиликни ривожлантириш мумкин. Бундай жойлар Тошкент областининг Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон районлари ҳисобланади.

Тоғларнинг ҳар бир томонининг ўзида ҳам пастдан юқорига қараб экиладиган ўсимликларнинг турлари ва ҳатто навлари ўзгаради. Тоғнинг юқори қисмига иссиқ ҳарорат, нур севувчи, сувга унча талабчан бўлмаган (бодом, ўрик, унаби, тоғолча каби) мева ўсимликлари, пастки қисмига эса намга талабчан, совуққа чидамли (олма, беҳи, нок, ток, олхўри каби) ўсимликлар экилиши маъқул.

Тоғларда боғ барпо қилишда меваларнинг пишиш муддатига ҳам эътибор берилиши керак. Тоғнинг юқори қисмига эрта-ва ўрта-пишар пастки қисмига эса ўрта ва кечпишар мевалар экилади. Лекин, тоғлик районларда ўта кечпишар, пастки қисмига эса ўрта ва этилмайди.

Шредер номли мевачилик ва токчилик институти Бўстонлик тог мевачилиги ва токчилиги филиалининг текширишларига қараганда, Ўзбекистоннинг тоғли районларида мева ўсимликларини денгиз сатҳидан 1800—2000 метр баландликкача экиш мумкин. Лекин, улар 800—1500 метр баландликларда яхши натижа беради.

Тоғли районларда боғлар ва токзорлар барпо қилишда қияликларнинг тик ёки яссилигига эътибор берилади. Агар жойнинг қиялиги 7—8 градусдан кам бўлса, боғлар ва токзорлар текис жойлардаги каби ери ҳайдалиб экилаверади. Дарахт ва ток қаторлари эса қияликка нисбатан кўндаланг жойлаштирилади.

Жойнинг қиялиги 9-12 градус бўлса, бундай ерларда боғ ва токзор барпо қилишда жой ёппасига ҳайдалмайди, балки мева кўчатлари, ёки ток экиладиган қаторларнинг ўзигина «ПП—50» маркали плантаж плуги билан қияликка кўндаланг қилиб ҳайдалади. Ҳар бир қатор учун ҳайдаладиган жойнинг кенглиги қайси хил мева дарахтининг экилишига боғлиқ. Агар боғ барпо қилинадиган бўлса, ҳар бир ҳайдаладиган жойнинг кенглиги 3-4 метр, ток, смородина, малина экиладиган бўлса 1,5—2 метр бўлади. Кўчатлар ҳайдалган жойнинг ўртасига экилади. Дарахтларнинг қатор оралиги текис жойлардаги суғориладиган боғларникига қараганда 1,2—1,5 марта кичик бўлади. Қаторларнинг ораси ҳайдалмай қолдирилади. Бу эса тупроқни нураштан ва турли эрозиядан сақлайди. Ҳайдалмаган жойнинг (берма) кенглиги мева дарахтлари учун 4—5 метр, ток учун 3—4 метр бўлиши керак.

Агар жойнинг қиялиги 13—20 градус орасида бўлса кўчат экиш учун қияликка нисбатан кўндаланг йўналишда «ДТ—54», «ДТ—75», «С—80», «С—100» маркали трактерга тиркалган ёки осилган «П—5—35» ва «П—4—30» плуглар воситасида, агар жойнинг қиялиги 21—35 градус бўлса зинапоялар «С—80» ёки «С—100» трактерига ўрнатилган «Т—4» маркали террасерлар ёрдамида бажарилади.

Тепаликлар ва тоғлар қанча тик бўлса, зинапоялар бир-бирига шунча яқин жойлашади, агар қиялик ясси бўлса, зинапоялар ораси узоқроқ бўлади.

Жойнинг қиялиги 36 градус ва ундан ортиқ бўлса, бундай ерларда зинапоялар қилмай ҳар бир ўсимлик учун алоҳида супача қилиб олдига нам тўпланиши учун чуқурча ясалади. Бундай жойларда қияликка кўндаланг қилиб, чуқур ариқ қилинади, унинг ташқи четини текислаб кўчат экилади. Бундай жуда қия жойларга бодом, писта, тоғолча, дўлана ва айрим ўрмон ўсимликлари экиш мумкин.

Зинапоялар қилишдан олдин уларнинг йўналишини белгилаш учун жой режалаанади. Бу ишда нивелир, эклиметр ва бошқа геодезик асбоблардан фойдаланилади. Зинапоялар ясашда қуйидаги қоидаларга риоя қилинади:

Зинапоялар жойнинг қиялигига кўндаланг йўналишда жойлаштирилади. Зинапояларнинг супа текис қисми ҳар доим ичкари томонга 2—6 градусгача қия ясалади. Тоғнинг ясси қисмига жойлашган зинапоялар супасининг ички томонига қиялиги 2—3 градус бўлса, тик қисмдагиларининги эса 4—6 градус бўлади. Бу эса зинапояларда намликнинг кўплаб тўпланишига имкон беради.

Мевали дарахтлар учун зинапоялар супасининг кенглиги 4 метр бўлиб бир қатор кўчат экилади. Супачанинг ташқи томонига четидан 0,5—1 метр жой қолдирилади. Шунда 4 метрлик супачанинг кўчат экилган жойдан ичкарисига қараб 3—3.5 метр жой қолади. Бу майдон ҳар доим ишланиб борилади.

Агар зинапояларга 2 қатор ток экиладиган бўлса, супачасининг кенглиги 4—5 метр бўлади. Шунда ҳар икки томондан 0,5—1 метр жой қолдириб икки қатор ток кўчати экилади. Токларнинг қатор ораси ҳар доим 3 метр бўлади.

Зинапояларнинг ички томонидаги тоғдан кесилган деров ҳар доим 40 градус бўлиши шарт. Бу эса зинапояларнинг юқорисидан тупроқнинг нураб тушишини камайтиради.

Шундай тартибда тайёрланган зинапояларга кўчат экиладиган жойлар белгиланғандан сўнг одатдаги тартибда кўчат экилаверади. Кўчат экиладиган жойга чуқур қазишни енгиллаштириш учун плуглардан фойдаланиш мумкин. Тоғли жойларга экиладиган кўчатларнинг туп оралиғи водийлардаги суғориладиган боғларникига нисбатан 2—3 метр кичик бўлади. Токларнинг туп оралиғи эса тоғларда 1,5—2 метр бўлиши кифоя. Биринчи йили кўкармай қолган кўчатлар ўрнига дарҳол шу кузнинг ўзида ўша навнинг икки ёшли кўчатидан экиб тўлдирилиши шарт.

Республикамизда лалми боғдорчилик ва токчиликни янада ривожлантириш боғбон, соҳибкор ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг муҳим вазифасидир.

М. ХЎЖАЕВ,
Р. Р. Шредер номидаги мевачилик-узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг Бўстонлиқ тог мевачилик ва токчилик филиалининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати,

Х. АМИНОВ,
старший илмий ходим, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ



Бугун бутун дунё прогрессив театр арбоблари ўз байрамлари — Халқаро театр кунини нишонлайдилар.

Қадимий ва ҳамиша навқирон театр санъати сўнгги йилларда ҳам халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Капиталистик мамлакатларнинг баъзи бир «назариячилари» театрнинг ҳалокати ҳақида қанчалик жар солишмасин, саҳна санъати тобора ривожланмоқда.

Театр давримизнинг «поэтик минбари» бўлибгина қолмай, сиёсий минбари ҳамдир. Театр санъатининг ана шу хусусиятини ҳисобга олиб, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг ЮНЕСКО қошидаги Халқаро театр институти ўзининг 1961 йилда Венада ўтказган IX конгрессида ҳар йили 27 март кунини — Халқаро театр куни сифатида нишонлашга қарор қилди.

Беш юздан ортиқ профессионал, мингдан знёд халқ театрлари мавжуд бўлган Совет Иттифоқида Халқаро театр куни санъаткорларимизнинг катта байрами ҳисобланади. Совет халқи бу йил Халқаро театр кунини яна ҳам кўтаринки руҳ билан кутиб оляпти. Негаки, катта оламшумул воқеа — жонажон Коммунистик партиямизнинг XXIV съезди очилиши арафасида турибмиз. Тарихга назар ташласак, партия ва Совет ҳукумати театр санъатига алоҳида эътибор бериб келганини кўрамиз. Ёш Совет давлатининг энг оғир дамларида, 1919 йилда доҳиймиз В. И. Ленин театр ишларини бирлаштириш ҳақидаги Декретга имзо чекади. Шахсан ўзи театрлардан, унинг намояндалари ишидан бохабар бўлиб турди. Коммунистик партиямиз В. И. Ленин йўлидан бориб, ҳамма вақт театрга катта эътибор бериб келмоқда.

Совет Иттифоқида машҳур, санъаткорларга «Совет Иттифоқи халқ артисти» деган унвон таъсис этилгани ва бу унвон билан ўнлаб театр захматкашлари тақдирланганлиги бунинг ёрқин далили. Кўпгина атоқли актёр ва режиссёрлар СССР ва республика Олий Советларининг депутатлари. Ленин ва Давлат мукофотлари лауреатларидир.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик совет интернационал театрининг илғор отрядларидан бўлган Ўзбекистон театрлари ҳам халқаро театр кунини ва партиямизнинг яқинлашиб келаётган тарихий XXIV съездини ғоявий чуқур, бадиий баркамол спектакллар билан кутиб олаяпти.

Совет театр санъаткорларининг ижодий изланишлари коммунистик жамиятнинг актив қурувчиси — бизнинг замондошимиз бўлган ишчилар, дала меҳнаткашлари, моддий бойлик яратувчилар образини яратишга қаратилган.

1970 йил В. И. Ленин юбилейи йили — премьераларга бой йил бўлди. Буни Ўзбекистон театрлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Юбилей йили 140 га яқин янги спектакль саҳнага қўйилди. Булар нинг энг яхшилари, КПСС XXIV съездига бағишланган спектакллардир.

Агар 27 март куни совет театр саҳналарида қўйиладиган спектакларни бир йўла кўриш имконияти бўлса эди, биз совет халқининг ўтмиш тарихи, ҳозирги куни ва порлоқ келажагини кўз олдимизга келтирган бўлар эдик. Чунки театр, В. Маяковский таъбири билан айтганда, ҳаётни катта қилиб кўрсатадиган ойна.

Театрларга марҳамат қилинг, ҳурматли санъат шинавандалари!

А. ЕҚУБХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон театр жамияти масъул секретари.



БАҲОР ҚУВОНЧИ. Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ

Тошкент клублари ва маданият саройларининг саҳналари бир неча кун мобайнида ижодий мусобақа майдони бўлди. Уларда республика халқ театрлари коллективлари энг яхши ном учун куч синашдилар. Мана, ниҳоят кўрик тугади. Редакция илтимоси билан жюри раиси, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган маданият ходими М. Қориев кўрикни шарҳлайди:

— Республика халқ театрлари ва касаба союзлари драматик коллективларининг бу кўриги, — деди у. — партия XXIV съездига бағишланди. Мана шунинг учун ҳам замонавий мавзулар кўрик репертуаридан асосий ўринни эгаллади. Булар ҳозирги кунда кишиларни қаяжонга солаётган масалалар ҳақида ҳикоя қилувчи пьесалар, инценировкалардир.

Чирчиқликлар кўрик ва фестивалларда бир неча бор ўз санъатларини намойиш қилганлар. Бу гал эса чирчиқлик ҳаваскор артистлар «Унинг ўчсин», «Америка овози!» номли публицистик постановкани кўрсатдилар. Спектакль постановкачиси — талантли режиссёр Т. Никитин.

Тошкент тўқимачилар маданият саройининг халқ театри республикадаги энг кўҳна театр коллективларидан биридир. Улар кўрикда Эркин Воҳидовнинг «Биринчи муҳаббат» пьесаси билан қатнашишди. Қобилиятли режиссёр А. Юнусов томонидан қўйилган бу спектакль ҳам яхши кутиб олинди.

Ўтган кўриклардагидек, Тошкент самолётсозлик заводининг драматик коллективи бу гал ҳам ўз санъатини намойиш қилди. Режиссёр А. Гацелернинг театрга ёшларни тобора кўпроқ жалб қилаётгани қувонарлидир. Театр «Яна кимдир 17 ёшда...» спектаклини кўрсатди.

Мана энди кўрик якунлари билан танишинг. Биринчи ўринни Чирчиқ кимёгарлар маданият сароби ва Бухоро пиллакашлик фабрикаси халқ театрлари олишди. Иккинчи ўрин Тошкент тўқимачилар маданият сароби ва пойтахт самолётсозлик заводи драматик коллективларига тегди. Учинчи ўринни эса — Андижон область «Савай» совхози ва Самарқанд суперфосфат заводининг театр коллективлари эгалладилар.

ПАЗАНДАЛАР

Юртимизда маъмурчилик. Йилнинг тўрт фасли — ҳатто қиш, илк баҳор кунлари ҳам ёз маҳсулотлари билан тўкин дастурхон ёзиш мумкин.

Аммо, шу мўл-кўл масаллиқдан дид билан турли хил таомлар пиширш, дастурхон ёзиш ҳаммасининг ҳам қўлидан келавермайди.

Азм шаҳримизда қанчадан-қанча ресторан. ошхона, кафэлар мавжудки, уларда кундалик ҳалол меҳнати билан ҳўрандани мамнун қилаётган пазандалар анчагина.

Куни кеча пазанда қизларнинг моҳирлиги, ҳар соҳада муомала-касбига меҳри, чаққонлигини намойиш қилувчи кўрик бўлиб ўтди. Кўрикни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг умум овқатланиш бошқармаси ташкил этди. Кечага пазандалар «Қани, қизлар!» дея ном қўйишибди.

«Баҳор» ресторани зали байрамдагидай безанган. Музика садолари янграб турибди. Кўрикка жуда кўп меҳмонлар, устоз пазандалар келишган.

Кечани Фрунзе районидаги 9-ошхонанинг зал бошлиғи Людмила Анисимова олиб борди. Ўртада қатор стол, устида ош тахта, пичоқ. Людмила кеча қатнашчиларини табриклар экан, уларни бир-бир номларини айтиб, таништиради. Олти пазанда қиз. Олти райондан. Людмила уларнинг ҳар бирига мурожаат қилади.

Пазанда қизлар — Р. Бобоева, Элла Ким (Ҳамза районидан), Алла Лунина (ресторанлар трести дан), Светлана Погорелова (Чилонзор районидан) чиқиб ўз касблари ҳақида фаҳр билан сўзлаб беришди. Сўнг, пазандаликларини намойиш қилабошлашди.

Беш дақиқада бешта бутерброд тайёрлаш керак. Қўллар чаққон, иш бошлади, қараб ҳавасингиз келади. Иккинчи синов. салат тайёрлаш зум ўтмай тарелкада майда тўғралган турп салати тайёр бўлди. Ана шундай синовлардан тўрттаси ўтгандан сўнг қизларнинг абжирлиги, диди билан бирга жамоатда ўзини тутиши, хўрандага муносабати. ҳатто рақсга тушиши ҳам синаб кўрилди, сўнг баҳо қўйилди. Лунина 31 балл тўплаб биринчи, Погорелова иккинчи, Попова учинчи ҳамда Ким тўртинчи ўринни эгалладилар.

Конкурс давомида қўшиқ, рақс бўлиб турди. Ижрочилар ҳам шу қўли гул пазандалар эди.

ЯНГИ БОСМАХОНА

Оржоникидзе районининг маркази — Қибрай тобора ободонлашиб бормоқда.

Яқинда бу ерда икки қаватли кўркам бино қад кўтариб, ишга туширилди. Бинонинг юқори қаватига «Коммунизм тонги» район газетасининг редакция коллективи кўчиб ўтди. Пастки қисмида жойлашган босмахонада эса шу газета ҳамда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг кўп нусхали «Агроном» газетаси чоп этиляпти.

Босмахона малакали кадрлар билан таъминланган. Ирисали Қосимов ва Фотима Акромова, Биби Қосимова ва Рихси Шокировалар газета чиқариш сирларини янада пухта эгаллаб олиш учун астойдил ҳаракат қиляптилар.

Ф. ИСАЕВ.

КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ҚИЗҒИН

Бўстонлиқ районидаги барча колхозлар тут ва бошқа мевали дарахт кўчатлари ўтқазиш ишларини ниҳоясига етказдилар.

Райондаги Хондайлиқ қишлоғи территориясида 30 минг туп тут кўчати қад ростлади. Булар келгусида Калинин номли колхозда ҳозиргидан ҳам кўп миқдорда пилла тайёрлаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Колхоз аъзолари бундан ташқари 1750 туп мевали дарахт кўчатлари ўтқаздилар.

Шунингдек, қўшни «Қозоғистон 30 йиллиги» колхозида ҳам 16 минг тут ҳамда кўплаб мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. **Т. СИХАРУЛИДЗЕ.**

Спорт

ЯРИМ МАСОФА ЎТИЛДИ

Швейцарияда хоккей бўйича ўтказилаётган XXXVIII жаҳон чемпионати экватордан ўтди. Командалар биринчи давра ўйинларини тугатдилар. Кеча Финляндия — Чехословакия, СССР—Швеция командалари учрашди. Бир куни аввал ГФР хоккейчилари АҚШ командасини 7:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

●

КУБОК ЎЙИНЛАРИ

СССР кубоги учун беллашаётган командалар ўртасида ўтган куни битта ўйин бўлди. Сочида Ворошиловграднинг «Заря» ва Олмаотанинг «Қайрат» футболчилари учрашдилар. Ўйин натижасиз (0:0 ҳисобида) тугади.

Кеча Сочида Москва автозаводчилари билан Минск динамочилари учрашди. «Пахтакор» эса эртага Ереван шаҳрида Москва спартакчилари билан беллашади.

●

Н. ГАПРИНДАШВИЛИ ТУРНИР ҒОЛИБИ

Югославиянинг Белград шаҳрида халқаро хотин-қизлар куни 8 мартга бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили ғолиб келиб, биринчи ўринни эгаллади. Совет шахматчиси жуда юксак натижага эришди. У 13 учрашувнинг ҳаммасида ғалаба қозонди.

●

ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Бугун Қозон шаҳрида бокс бўйича Совет Иттифоқи чемпионатига якун ясалади. Ўн вазн тоифасида олтин медаль учун Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан 200 дан знёд боксчи рингга чиқди. Улар орасида республикамизнинг кучли чарм қўлқоп усталари И. Муллаев, Н. Хромов, А. Қодироҳунов, Р. Рисқиев, В. Шабельников ва Н. Анфимовлар ҳам бор эди. Муллаев, Рисқиев ва Шабельниковлар бронза медалига сазовор бўлдилар.

●

МЕЗБОНЛАР ИККИНЧИ ЎРИНДА

Чирчиқ шаҳрида самбо бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ турнири уч кун давом этди. 11 республика ва Москва шаҳар терма командаси самбочилари ғолиблик учун беллашдилар. О. Тоймуродов, И. Бадаловлар ўз вазнларида фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Бошқа вазнларда Е. Подолякин, А. Колиско, В. Лисовицкий (ҳаммаси Украинадан), В. Ярославцев (Қозоғистон), С. Великотний (Латвия), А. Келихашвили, Н. Эвктимишвили, Н. Зазунишвили (ҳаммаси Грузиядан) ғолиб келишди.

Умумкоманда ҳисобида 66 очко тўплаган Грузия командаси биринчи ўринга чиқди. Ўзбекистон вакиллари 61 очко билан иккинчи ўринни эгалладилар. Қозоғистон самбочилари учинчи ўринда қолишди.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

БРИГАДИР ЯНГИ ДУНЁ КИШИЛАРИ

Бригадир Пэк Вон Бом анча йиллардан бери бригадир бўлиб ишлаётганлиги туфайли цехдаги гумбур-гумбурга ўрганиб қолган. Шундай бўлишига қарамасдан у валларнинг оғир айланишлари, унинг металларни қисишидаги айрим характерли бўғиқ товушларни қулоғи яхши пайқайди. Шу «овозлар»дан у қайси агрегатнинг қандай ишлаётганлигини билади.

Ўрта бўйли, кенг яғринли, кучқувватга тўлган Пэк Вон Бом кам гап киши. Кўпроқ қилинадиган ишлар ҳақида гапиради. У ҳаракатчан бўлгани билан шошмайди. Шунинг учун ҳам ҳамиша ўзига ишонади. Бригадасидаги дўстларига ҳам қаттиқ ишонади. Шу сабабли цех раҳбарлари «280»-станда Корея Меҳнат партиясининг аъзоси Пэк Вон Бом бошлиқ бригада аъзолари меҳнат вахтасини олиб боришаётганларида улардан хотиржам бўлишади.

...Пэк Вон Бомни партия сафига қабул қилишганида у ўттўққиз ёшга тўлган эди. Бу воқеа мамлакат ҳаётидаги қийин йилларга: КХДР ишчи ва деҳқонлари АҚШ ҳамда унинг Жанубий кореялик қўғирчоқ ҳукуматининг агрессиясини даф этаётган вақтларга тўғри келди. Ўшанда Пэк ҳам шундай оғир кунларда ўз халқининг озодлиги ва бахти учун курашаётган жасур, мард коммунистлар билан бир сафда туриб курашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

У заводда суткалаб қолиб кетарди. Тинимсиз ташланиб турган бомбалар остида ўртоқлари билан биргалашиб асбоб-ускуналарни кўчиришарди. Душман жуда яқинда эди. Улар станокларни судрашиб ёки елкаларига қўйиб, вагонларга олиб келишарди. Қисқа муддат ичида «280»-прокат стани йиғиштирилиб душманнинг кўзи кўрмайдиган ерга—тоққа олиб чиқиб кетилди. Бошқа ускуналарни ҳам жўнатиб юбордилар, ҳали олиб кетаолмаганларини эса тоғ бағридаги тепаликларга яшириб қўйдилар. Ўшандан бери Пэкни «чансу» яъни «баҳодир», деб чақиришадиган бўлдилар.

Шунчалар қаттиқ зўр беришлар ёш прокатчи учун оғир келди. Ҳарорати ошиб, ётиб қолди. Кимдир асбоб-ускуналар қаерда яширибқўйганини билади, деб уни душманга сотибди. Охранка жаллодлари йигитнинг беморлигига ҳам қарамасдан уни қаттиқ калтаклашди. Лекин, қанчалар таҳқирламасинлар, улар барибир «билмайман», деган жавобни олавердилар. Кейин уни одам ўлдиришадиган ерга олиб келишди. Коммунист дўстлари у билан ёнма-ён туришарди. У отилган ўқ овозини эшитмади. Нимадир унинг кўкрагига урилгандай бўлди-да, ҳаммаёқ қоронғулашиб кетди.

Пэк тунда совуқдан кўзини очди. Жаллодлар қилган жиноятларининг изларини яширишга ҳам уринмабдилар. Тепаликда ўртоқларининг жасадлари осилиб ётарди. Йигит кўкрагининг қаттиқ оғриётганига ҳам қарамасдан бу хавфли ердан эмаклай-эмаклай, бошқа томонга кетди. Иккинчи сафар кўзини деҳқон уйида очди. Улар йигитни Халқ армиясининг бўлинмаси қишлоққа келмагунча яшириб юрдилар.

...Пэк Вон Бом «280»-прокат станида йигирма икки йилдан бери ишлаб келади. 17 йилдан буён бригадир. Цехга смена бошланишига бир ярим соат қолгани етиб келади. Бу вақт ичида у сменадошлари ишлари билан, печнинг аҳволи, металларнинг етиш-етмаслиги билан танишади. Смена бошлангунга қадар қилинадиган ишларнинг ҳаммаси режаланиб қўйилади. Ҳар бир ишчи ундан қисқа ва аниқ топшириқ олиб, ишга киришади.

Пэк бошқараётган бригада мана 17 йил бўлибдики, планни доимо ошириб бажариб келмоқда. Завод экономистлари Пэк Вон Бом бригадасининг йиллик программани муддатидан икки ой илгари бажараётганини ҳисоблаб чиқдилар.

Меҳнат интизомини яхши йўлга қўйган ва меҳнатни тўғри ташкил этган коллективнинг ҳар бир аъзоси изланишда. Бригада ҳисобида 20 дан ортиқ ихтиро бўлиб улар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бригадир ихтирочилик фаолияти учун республика Министрлар Кабинети раисининг Ҳурмат ёрлиғи билан мукофотланган.

В. ПАРАФЕЕВ,
АПН махсус мухбири.
Пхеньян.


ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Бу ерда Чехословакия Социалистик Республикаси федерал мажлиси халқ палатаси ва миллатлар палатасининг ғтгинчи қўшма сессияси очилди. Чехословакия Социалистик Республикаси федерал мажлисининг раиси Д. Ганес кун тартибидаги асосий масала — Чехословакия Коммунистик партияси ташкил топган кунининг 50 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

ПАРИЖ. Сайгон маъмурлари учта газета — «Доклап», «Донг най» ва «Тин шанг» газеталарининг бугунги сонларини мусодара қилдилар. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, бу газеталар Сайгон қўшинларининг Лаосдаги интервенцияси барбод этилганлигига доир материалларни босиб чиқарганлар ва ватанпарварларнинг шиддатли ўти остида интервенчиларнинг ваҳимага тушиб тумтарақай қочганликларини батафсил тасвирлаб берганлар.

ХЕЛЬСИНКИ. Германия Демократик Республикаси тинчлик кенгашининг раиси профессор Гюнтер Дрефаль бундай деди: биз ҳозир хавфсизлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашига тайёргарлик кўришнинг кўп томонлама музокаралар бошлаш пайти келди, бу кенгаш чақирилишига қадар баъзи масалалар юзасидан келишиб олиш керак, деб ҳисоблаймиз. Гюнтер Дрефаль Германия Демократик Республикасининг маданият марказида Европа хавфсизлиги масалалари хусусида лекция ўқиди.

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб Республикаси президентининг шахсий вакили Ҳасан Сабри Алхоли Бирлашган Араб Республикаси делегациясига бош бўлиб, Эрон кўрфази атрофидаги араб мамлакатларига жўнаб кетди. У президент Садатнинг ана шу райондаги мамлакатлар раҳбарларига йўллаган шахсий мактубларини топширади ва Яқин Шарқдаги ҳозирги аҳвол муносабати билан Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматининг тутган йўлини баён қилиб беради.



ЧССР. Барвақт келган илк кўклам Жанубий Словакия қишлоқ хўжалик кооперативларига баҳорги экиш ишларини ўтган йилдагига қараганда 3—4 ҳафта илгарироқ бошлаш имконини берди. Суратда: Брестовец кооперативи далаларида арпа экиш пайти.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОҒРАММА
ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 10.00 — **Янгилинлар**, 10.10 — **Киносаёҳатчилар альманахи**, 10.30 — **«Дўстлик чаманзори» (концерт)**, 11.00 — **«Шнид республикаси»** (бадиий фильм).

12.40 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

11.00 — **Ота-оналар учун консультация** (рус тилида). 12.00 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. **Француз тилидан 22-машғулот**, 12.30 — **Электрон техникаси** (ўзбек тилида). 17.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 18.00 — **«Пионервожатийлар» клуби**, 18.30 — **«Ахборот»** информацион программаси (рус тилида), 18.40 — **«Физкультура ва спорт»** тележурнали. 19.20 — **«Ахборот»** информацион программаси. 19.35 — **«Ёшлик»** студияси кўрсатади. **«Интернационал дўстлик клуби»**, 20.05 — **«Съезд делегатлари»** (телеочерк). 20.15 — **«Евдокия»** (бадиий фильм). 22.00 — **«Назм ва наво»** (Огаҳий лирикаси). 23.20 — **Кўрсатувлар программаси.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
18.00 — **Душанба кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/III да **Семург** (кундузи), **Травиата** (кечқурун). 28/III да **Оққуш кўли** (кундузи). **Трубадур** (кечқурун), 29/III да **Русалка** (кундузи), **Ойжамол** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/III да **Афсона яратган қиз** (эрталаб соат 11, кундуз 3 да). **Олтин девор** (кеч соат 8 да). 28/III да **Афсона яратган қиз** (эрталаб соат 11, кундуз 3 да). **Аяжонларим** (кеч соат 8 да).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/III да **Ажаб савдолар**, 28/III да **Менинг жаннатим**, 29/III да **Навоий Астрободда** (кундузи).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Цовкра» Дағистон дорбозлари ва ўргатилган айиқлар аттракциони** иштирокида ҚИРҒИЗИСТОН ССР ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

КИНО

Қора консулнинг ҳалокати (эрталаб соат 11.40, кундуз 3.20 ва кеч 7 да), **Ўтган кунлар** (ўзбек тилида, кундуз соат 1 ярим ва 5 да) — НАВОИЙ номли.

Чемпион (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 1 да), **Кашмирдаги севги** (2 серия, ўзбек тилида, кундуз соат 3, кеч 6 ва 8 яримда) — «КЎКЧА».

Қирол Лир (2-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Журъат —«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 ва 9.40 минутда). «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4, 5.40 ва кеч 9.15 минутларда). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

Ватан ўғлонлари (эрталаб соат 10 ярим ва кеч 7 да), **Ужар қизнинг қуюлиши** (кундуз соат 12, 2 ярим, 5 ва кеч 8.45 минутда), — ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ».

Шишадаги нур — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). «ЧАЙКА» (кундуз соат 2 ва кеч 8 да). «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Муддат — 7 кун (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9.45 минутда), **Мазандарон шери** (тоқ соатларда): — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Жаноб Ҳечким — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8 ва 9.45 минутда).

Шайтоннинг малайлари — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

«Авлиё Луки»нинг қайтиши — «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 7 яримда).

Свердлов номли концерт залида

30 МАРТДА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШ ИЖРОЧИЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Муҳаббат ШАМАЕВА, ЮНУС ТУРАЕВ, ВЯЧЕСЛАВ ГРИНЧЕНКО, НАЗИРА ЕҚУБОВА, СУНМАС БУРХОНОВ,

Солистлар: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Эсон ҚАНДОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Илёс МАЛЛАЕВ, Маруфа ҲАМИДОВА.

Татар «Хайтарма» эстрада ансамбли
Корейс ашула ва рақс ансамбли
Ўзбекистон эстрада оркестри
Юнон «Бузуки» ансамбли ва бошқалар.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

31 МАРТДА

ЛИРИК АШУЛА, ҚЎЙ ВА РАҚСЛАР КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: ҒУЛОМ АБДУРАҲМОНОВ, ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА, МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ, АЮБ ҚОДИРОВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: МАҲМУД МУҲАММЕДОВ, КАМТАР ОТАБОЕВ, ТУХТА РИСМЕТОВА,

Халқ чолғу асбоблари ва баян бўйича республика конкурсининг лауреати — Фазилат ШУКУРОВА.

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Алижон ҲАСАНОВ, Манзура МУМИНОВА, Сора ШУКУРОВА, Нафиса ТУХТАЕВА, Анвар НАЗАРХОНОВ ва бошқалар.

Программани Ғулом ТОЖИ-АЪЛОЕВ олиб боради.
Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХОТИН-ҚИЗЛАР МАКТАВГАЧА ТАРБИЯ БИЛИМ ЮРТИ

1971—1972 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН СИРТҚИ БЎЛИМГА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8—10 синфни битирган хотин-қизлар қабул қилинади.

Кирувчилар: 8 синфни битирганлар!

она тилидан (диктант), **математикадан** (оғзаки):

10 синфни битирганлар: она тилидан (иншо), **СССР тарихидан** (оғзаки) кириш имтиҳонлари топширадилар.

Ариза директор номига ёзилади ва қуйидаги қўшимча ҳужжатлар топширилади:

8 ёки 10 синфни битирганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва нусхаси, автобиография, иш жойидан справка, турар жойидан справка, иш жойидан характеристика, медицина справкаси (286 форма), **3 дона расм** (3х4), **меҳнат дафтарчасининг нусхаси** (камида 2 йил стажи бўлиш керак).

Сиртқи бўлимга ариза 5 апрелгача қабул қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР: Тошкент шаҳар, Красновосточная кўчаси, 112-уй (1, 74, 16, 134, 101, 117 автобусларнинг «Троицкий поворот» бекати) **мактабгача тарбия билим юртининг сиртқи бўлимига топширилади.**

«ТАШКОМИССИОНТОРГ»

(Пряничников кўчаси, 10-уй) комиссион магазинлари фабрика, завод, ташкилотлар билан шартнома тузиб ва бошқа муассасалардан арзонлаштирилган материал-молларни комиссияга олади, сўнгра

АҲОЛИГА СОТАДИ

Справкалар учун телефонлар: 33-04-76, 33-51-76.

РЕСПУБЛИКА «УЗГЛАВЛЕСБУМСНАБСБИТ» БАЗАСИГА

(К. Шарипов кўчаси, 50-уй, телефонлар 77-48-26, 77-13-18) **бош бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари, катта бухгалтер, склад мудирлари**

КЕРАК

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИГА

(Ўзбекистон кўчаси, 25-уй) **савдо ускуналари бўйича инженер технолог-конструктор** (мебель ишлаб чиқариши билан таниш бўлган)

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 03251. ИНДЕКС — 64697. № А—1717.